К.Б. УРАЗОВ, О.И. НЕЪМАТОВ,
З.Э. ҲАМРОЕВ

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИ

Илмий-услубий тавсиялар



САМАРҚАНД - 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

К.Б. Уразов, О.И. Неъматов,
З.Э. Ҳамроев

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИ

Илмий-услубий тавсиялар

САМАРҚАНД – 2015

65.9(2)26
У683

Уразов К.Б., Неъматов О.И., Ҳамроев З.Э. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти аудити. Илмий-услубий тавсиялар - СамИСИ, 2015. - 60 бет.

Иқтисод фанлари доктори, профессор К.Б. Уразовнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида.

Тақризчилар:
иқтисод фанлари номзоди, доцент С.Л. Ташпазаров
иқтисод фанлари доктори, доцент А.И. Аликулов

Мазкур илмий-услубий ишда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)нинг мақоми, мақсади, молиявий-хўжалик фаолияти турлари ва уларни молиялаштирилиши, мақсадли маблағлар сарфи ва бошқа жиҳатларидаги хусусиятлари ёритилган. Шунингдек бу хусусиятлардан келиб чиқиб, НННлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда амал қилиниши ҳамда қўлланилиши фойдадан холи бўлмаган ўзига хос илмий-услубий тавсиялар берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходимлари-изланувчилар, магистратура ва бакалавиатура босқичларида таълим олаётган талабалар, шунингдек амалиётчи бухгалтерлар ва аудиторлар учун мўлжалланган.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2015 йил 21 апрелдаги йиғилишида муҳокама этилган ва маъқулланган (11-сон баён)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий ўқув-услубий кенгашининг 2015 йил 23 апрелдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (9-сон баён)

КИРИШ

Республикамиз "кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тараққиёт йўлидан бормоқда. Ушбу тараққиёт йўлининг асосий мақсади бўлиб, бир томондан, республикамизни бозор муносабатларига асосланган ривожланган иқтисодиётга бўлган давлатлар сафига киритиш, иккинчи томондан эса, уни демократик фуқаролик жамиятига айлантириш ҳисобланади. Ушбу улуғ мақсадга эришиш учун республикамизда барча тармоқ ва соҳаларда кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Босиб ўтилган қисқа муддатда давлатимизнинг ўз тараққиётимизга хос ва мос бўлган қонунчилик асосларининг яратилганлиги ва улар ижросини таъминланаётганлиги, барча тармоқ ва соҳаларда эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилаётганлиги, дунё мамлакатлари ва ҳамжамиятлари билан ҳалқаро муносабатларнинг борган сари кенгайиб бораётганлиги, жаҳон миқиёсида рўй бераётган молиявий инқирозга қарамасдан, ЯИМнинг ҳар йили ўртача 8 фоизга барқарор ўсишини таъминланаётганлиги, турли демократик жамият институтларининг вужудга келганлиги ҳамда уларни борган сари равнақ топаётганлиги буларнинг ёрқин гувоҳидир.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида Президентимиз бошлигида республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб подавлат нотижорат ташкилотлари ((ННТ)ни кенг кўламда равнақ топтириш ҳисобланади. Бунинг негизида, авваламбор, ННТларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, тарбиявий ва бошқа соҳаларда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ётади.

Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра барча ННТлар мустақил иқтисодий бирликлар ҳисобланади. Улар бошқа иқтисодий бирликлардан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Бундай фарқли жиҳатлар уларнинг мақоми, мақсади, устав вазифалари, маблағларининг шакллантириш манбалари, бу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, тушумлар ва сарфлар ўртасидаги фарқнинг фойда сифатида тан олинмаслиги ва таъсисчилар ўртасида тақсимланмаслиги, келиб тушган мақсадли тушумлардан фақат бегараз яхши мақсадларда фойдаланиш ва бошқаларда ёрқин намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ННТларнинг ўзига хос иқтисодий бирликлар сифатида макон ва замонда мавжудлигига, инсонлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини табора ортиб боришига қарамасдан, улар фаолияти аудити масалалари етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Шунингдек, ННТлар фаолиятини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш хусусиятлари ҳам адабиётларда атрофлича очиб берилмаган. Амалда бўлган бухгалтерия ҳисобига оид миллий стандартларда ННТлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб ҳисобни юритиш тартиблари аниқ белгиланмаган. Буларнинг барчаси ННТларда нафақат ҳисоб ва ҳисоботда, балки аудиторлик текширувларини ўтказишда ҳам айрим муаммоларни туғдирмоқда. Турли мақомдаги ННТлар амалиётини таҳлиқи ушбу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти аудитининг назарий ташкилий ва

MAKCAD DIQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 53720

услубий жиҳатларини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий ишланмаларга объектив зарурат борлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, бундай илмий-амалий ишланмаларнинг яратилиши нафақат ННТлар, балки уларда аудиторлик текширувларини олиб борувчи аудиторлик ташкилотлари учун ҳам фойдадан холи эмас.

Юқоридагиларнинг барчаси ННТ фаолияти аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, шунингдек шу мавзуга бағишланган ушбу илмий-услубий ишланманинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Ушбу илмий-услубий ишнинг асосий мақсади ННТлар фаолияти аудитининг назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал қилишга доир илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун илмий-услубий иш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

•ННТларининг аудит субъектлари сифатидаги таснифий жиҳатларини кўрсатиб бериш;

•ННТлар фаолияти турлари, мулки ва уларни шакллантириш манбаларининг аудит объекти сифатидаги хусусиятларини очиб бериш;

•ННТлар фаолияти аудитининг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва усулларини белгилаш;

• ННТлар хусусиятларидан келиб чиқибулар фаолияти аудиторлик текшируви ташкилий дастакларини, чунончи унинг режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;

•ННТлар фаолияти аудитининг асосий ахборот таъминотини ташкил қилувчи ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш йўналишларини асослаш;

• ННТлар фаолияти асосий кўрсаткичлари, чунончи мақсадли тушумлар ва улар сарфи, қўшимча даромадлар ва улардан фойдаланиш, солиқ ва тўловларни аудит текширувидан ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш.

Мазкур илмий-услубий иш олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходимлари-тадқиқотчилари, магистратура ва бакалавиатура босқичларида таълим олаётган талабалар, шунингдек амалиётчи бухгалтерлар ва аудиторлар учун мўлжалланган.

1-боб. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аудит субъектлари сифатидаги тавсифи ва иқтисодиётда тутган ўрни

Республикамизда фуқаролик жамияти институтини ташкил қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)ни шакллантириш ва ривожлантириш давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Мустақилик қўлга киритилгандан кейинги даврда ННТларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг кафолатлари, роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига, чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фонлари тўғрисида», «Хайрия тўғрисида», «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида» ва бошқа махсус қонунлар, республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда бошқалар киради.

Ушбу ва бошқа қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасида ННТлар сони ва фаолияти кўламини бориб сари равнақ топишига асос бўлди. Ҳозирги кунга келиб республикамизда ННТлар сони 6567 тага етди, улар 2000 йилга нисбатан 3 баробар кўпайди[1].

Оммавий ахборот воситаларида берилган маълумотларга кўра ҳозирги кунда ННТлар сони Бухоро вилоятида 438 тани, Наманган вилоятида 386 тани, Навоий вилоятида 306 тани ташкил этади[2]. Сурхандарё вилоятида 300 дан ортиқ ННТлар фаолият юритмоқда[3].

ННТлар ўз фаолиятини иқтисодиётнинг барча соҳаларида олиб бормоқда. Чунончи, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган 556 та ННТларнинг 49 % ўз фаолиятини ижтимоий соҳада (чекланган имкониятли инсонлар бандлигини таъминловчи соҳаларга ҳамда ёшлар ва соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал қилишга ихтисослашган жамиятлар ва марказларда) олиб бормоқда, 37 % ННТ жамоат-фуқаролик бирлашмалари сифатида (миллий-маданий марказлар, таълим марказлари, атроф муҳит муаммолари билан шуғулланувчи марказлар), 11 % ижтимоий-сиёсий ташкилотлар сифатида (сиёсий партиялар, инсон ҳуқуқлари бўйича марказлар), 15 % эса бевосита ишлаб чиқариш соҳасида (тадбиркорлар ассоциацияси, саноат палатаси, бизнес-марказлар ва бошқалар) фаолият кўрсатмоқда[4].

---

[1] W.W.W. ngo. uz
[2] W.W.W. ngo. uz
[3] W.W.W. ngo. uz
[4] *Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари*

Хўш, республикамизда сони ва роли борган сари ошиб бораётган ННТларнинг ўзи нима? Нима учун республикамизда ННТларни қўллаб-қувватлаш ва равнақига барча имкониятларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади? Уларнинг иқтисодиётимиз ва фуқаролик жамиятимиз равнақидаги ўрни нималарда намоён бўлади? ННТлар аудит субъекти сифатида қандай хусусиятларга эга?

Тадқиқотларимизни айнан ушбу саволларга жавоб топишдан бошлаймиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) сўзлари бирикмасидан кўриниб турибдики, бундай ташкилотлар: (1) давлат тасарруфида бўлмаган, (2) тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар ҳисобланади. Айнан шу мазмунда ННТларнинг таърифи республикамизнинг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» қонунида (2-модда) қуйидагича белгиланган.

Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Юқоридаги таърифдан ННТларнинг бошқа субъектдан фарқли жиҳатлари ёркин кўриниб турибди. Улар асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

*ННТлар жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади;

*ННТлар даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайди;

*ННТларда олинган даромадлар (фойда) унинг қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимланмайди;

*ННТлар ўзини ўзи бошқаришга асосланган ташкилот ҳисобланади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади. Улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган мустақил юридик шахслар бўлиб ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

*ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

*ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

*давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

*ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

*оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда нодавлат фаолиятини амалга ошириш;

*уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

*ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

*ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

*қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

ННТларнинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

*қонун ҳужжатларига риоя этиш;

*ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

*нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

*рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш шарт.

ННТлар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин. Уларнинг асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1-расмга қаранг).



1-расм. ННТларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Жамоат бирлашмаси - бу ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветераплар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади. Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Сиёсий партия - бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Касаба уюшмалари – бу кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

Диний ташкилотлар – бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар. Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади. Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари. Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади. Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари

мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

Жамоат фонди – бу жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўйиш асосида ташкил этилган, ҳайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади. Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фондининг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фондининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларининг (муассисининг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб борилиши шарт.

Барча ННТлар муассаса ҳисобланади.

Муассаса - бу ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга оширишга учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Фаолият кўламига кўра ННТлар маҳаллий ва халқаро ННТларга бўлинади.

Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти - бу ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб боришни мумкин бўлган халқаро ташкилот.

ННТлар фаолияти асосан жамиятнинг кам таъминланган аъзолари, қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз шахслар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар таълим-тарбияси, иш билан бандлиги, касбий маҳорати, сиёсий онги, маънавий, маърифий ва маданий даражаларини ошириш, улар фаоллигини кучайтириш, миллий қадриятларни тиклаш, атроф-муҳитни ва тарихий обидаларни асраш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаларини ривожлантириш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни тубдан яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш ва бошқа соҳалардаги давлатнинг мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастурларини ҳаётга изчил тадбиқ этишда кўмаклашишга қаратилгандир. Бинобарини ННТлар бундай кўмакни асосан бюджетдан ташқари мақсадли тушумлар эвазига амалга оширмоқдалар.

Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат

ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини белгиланган тартибда аккредитация қилишни амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олган орган унинг фаолияти уставда белгиланган мақсадларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилади.

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахсларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

ННТларни тузиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш негизида ижтимоий ва иқтисодий сабаблар ётади. Ижтимоий сабаблар бўлиб, ННТлар томонидан давлатнинг ижтимоий сиёсатини рўёбга чиқаришда бегараз ёрдами ҳисобланади. Иқтисодий сабаб сифатида ННТларнинг ўз фаолиятини бюджет маблағлари эмас, балки бегараз келиб тушган маблағлар эвазига юритишни таъкидлаш мумкин.

ННТларнинг ҳар бири кишилик жамиятини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маъданий, маърифий ва бошқа соҳаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Уларнинг ўрни бевосита уларнинг мақсади ва амалга ошираётган вазифаларида ёркин намоён бўлади. Чунончи, «Маҳалла» жамоат фонди фуқаролик жамиятининг таркибий бўлинмаси, «ватан ичидаги ватан» бўлган маҳаллаларни умумхалқ ҳайрия хашари эвазига тушган маблағлар эвазига ободонлаштириш, уларда яповчи кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашлаш, тадбиркорликни йўлга қўйишда кўмаклашиш, таълим, тарбия, маънавий-гоявий, маданий ва маърифий ишларни олиб бориш, уларда соғлом муҳитни яратишда муҳим ўрин тутади. Нуронийлар жамғармаси тушган мақсадли тушумлар ҳисобидан нафақа ёшидаги меҳнат фахрийлари, кариялари ҳол-аҳволидан доимо хабардор бўлувчи, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турувчи ННТлар ҳисобланади. Қизил ярим ой жамияти, тиббиёт муассасалари ходимлари ассоциациялари соғлиқни сақлаш соҳасида улар профессионал малакаларини узлуксиз ошириб борувчи, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва илғор тажрибаларни кенг тарғиб ва тадбиқ этувчи, турли халқаро ташкилотлардан бегараз келиб тушаётган дори-дармон воситаларини кам таъминланган ва бемор шахсларга ҳайри эҳсон йўли билан этказувчи нодавлат секторидир. Ўқитувчилар, олимлар, адвокатлар, юристлар, судлар, бухгалтерлар, аудиторлар, соликчилар ва бошқа соҳалар ходимларининг жамоатчилик ташкилотлари (ассоциациялари, бирлашмалари,

уюшмалари, палаталари ва шу кабилар) улар манфаатлари ва қизиқишларини атрофлича қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш, профессионал даражаларини доимий ривожлантириб боришда бегараз ёрдам кўрсатаётган ННТлардир. Сиёсий партиялар, экологик ҳаракат ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари республикамиз Олий Мажлиси ва Сенатининг бевосита аъзолари ҳисобланади ва ушбу сифатда давлатимиз қонунларини яратиш ва такомиллаштиришда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Юқоридагилар ва бошқа жиҳатлар, табиий равишда, ННТларнинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий равнақида, ўтиш даврида мавжуд бўлган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ўз ўрни борлигидан, мос равишда, ушбу секторни янада ривожлантириш, уларни атрофлича қўллаб-қувватлашни объектив зарурат эканлигидан дарак беради.

ННТларнинг барчаси мустақил иқтисодий бирликлар сифатида давлатимизнинг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни"га мувофиқ ҳар йили мажбурий аудитдан ўтиши лозим бўлган субъектлар бўлиб ҳисобланади.

1.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг аудит объектлари сифатидаги хусусиятлари

ННТларнинг аудитнинг ўзига хос субъектлари эканлиги бевосита уларнинг фаолиятида, ушбу фаолиятни фаолиятни молиялаштирилишида, улар мулкини шакллантирилишида, бу мулкни тасарруф этиш ва тақсимланда ёркин намоён бўлади.

ННТлар фаолияти иккита турга бўлинади (2-расмга қаранг).



2-расм. ННТлар фаолият турлари

ННТларнинг **нотижорат фаолияти** бўлиб улар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий, сиёсий, маънавий, маърифий ва бошқа фаолият турлари ҳисобланади. Ушбу фаолият ҳар бир ННТнинг уставида белгиланган бўлади. Чунончи, "Маҳалла" жамоат фондининг асосий мақсади фуқароларни йиғинларини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқарин органларининг давлат

бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтиришга, маданий-маърифий ишлари кенг амалга оширишга, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, улар фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашишга кўмаклашишдан иборат.

Фонд қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-фуқаролар йиғинларига маърифий ва маданий тадбирларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

-фуқаролар йиғинларига аҳоли орасида инсонпарварлик ва меҳр-оқибат асосида яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий, сиёсий-барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг тарғибот усулларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга кўмаклашиш;

-ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда фуқаролар йиғинларига услубий ёрдамлар кўрсатиш;

-давлат ҳокимияти органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши жараёнида ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу ваколатларнинг амалга оширилишида зарур услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш.

ННТларнинг ушбу асосий фаолияти уларга даромад келтирмайди ва, мос равишда, республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатлари асосида солиқларга тортилмайди.

ННТларнинг **тижорат фаолияти** деганда уларнинг даромад келтирувчи фаолияти ҳисобланади. Бундай фаолият турлари бўлиб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш, савд-сотиқ қилиш ва бошқалар ҳисобланади. ННТларнинг тижорат фаолияти республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатлари асосида тегишли солиқларга тортилади. Солиқ тўловларидан кейин қолган соф фойда ННТларнинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмайди, балки уларнинг устав мақсадлари йўлида ишлатилади.

ННТларнинг **иқтисодий** бирликлар сифатидаги хусусиятлари улар фаолиятини молиялаштиришда, яъни маблағлари (ресурслари)ни шакланишида ёркин намоён бўлади.

Республикамизнинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонуни" га мувофиқ, ННТларнинг маблағлари (ресурслари) қуйидагилардан иборат бўлади: бинолар, иншоотлар, турар жойлар; ускуналар; инвентар; пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари; қимматли қоғозлар; бошқа мол-мулк.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

ННТларнинг мол-мулки уларни шакллантириш манбаларига кўра қуйидагилардан иборат бўлади (3-расм).



3-расм. ННТлар маблағларини шакллантириш манбалари

Кириш ва аъзолик бадаллари деганда НПТлар қатнашчилари томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари тушунилади. Кириш ва аъзолик бадалларининг миқдорлари ҳар бир НПТнинг устав ҳужжатлари билан белгиланади.

Грант деганда ижтимоий хусусиятга эга мақсадлар, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун Ҳукумат, нодавлат, хорижий, ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган текин, гуманитар ёки моддий-техник маблағлар тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга

Чет эл валютасида олинган грант суммаси ҳўжалик муомалалари амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўтказилади.

Субсидиялар – бу белгиланган шартлар учун НПТларга давлат томонидан пул ёки натура кўринишида кўрсатилган ёрдам суммаси.

Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари – бу мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқ тўлашдан озод килинган суммалар.

Эҳсон – бу НПТларга умумфойдали мақсадларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан бепул берилган пул ва бошқа турдаги маблағлар.

Фоизлар – бу НПТларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит счётларга қўйишдан олинган фоиз тўловлари

Гуманитар ёрдам – мақсадли бегараз туҳфа бўлиб аҳолининг маълум ижтимоий гуруҳларига, ижтимоий соҳа муассасаларига тиббий хизмат кўрсатиш, талофатларни олдини ва окибатларини бартараф этиш ва бошқа ижтимоий мақсадларда турли дори-дармон воситалари, ҳимоя воситалари, жиҳозлар, озиқ овқат ва бошқа маблағлар кўринишидаги қайтарилиб берилиши сўралмайдиган ёрдам. Бундай ёрдамлар турли давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатилиши мумкин.

Ҳадя – бу фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида келиб тушадиган маблағлар

Дивиденд – бу ННТларнинг таъсис бадаллари сифатида киритилган маблағлари эвазига улар таъсисчи ҳисобланган бошқа корхоналар соф фойдасидан олган улуши.

Давлат гранти – бу ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини юритиш учун танлов асосида ажратилган пул маблағлари ва бошқа активлар. Давлат грантлари ННТларга давлат бюджетидан Олий Мажлис бюджети маблағлари ҳисобидан берилади.

Махсус давлат буюртмаси – бу ННТларга муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш учун ажратилган мақсадли маблағлар.

1.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларида аудитнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва усуллари

Аудитнинг асосий мақсади бўлиб ННТларнинг молиявий ҳисоботлари реаллигини баҳолаш ва унга хулоса бериш учун тегишли исботу-далилларни тўплаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун молиявий ҳисоботнинг барча моддалари реаллиги таъминланиши лозим. Бу бевосита молиявий ҳисоботнинг барча моддаларига тегишлидир.

ННТлар фаолияти **аудити** - бу улар томонидан олиб борилган фаолият турлари, уларнинг мулки, мулкни ташкил топиш манбалари, фаолият натижалари тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини холис аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган шартнома асосида экспертиза қилиш усули.

ННТларни мажбурий аудит субъектлари сифатида қонун ҳужжатида белгиланганлиги негизида қуйидаги заруратлар ётади (4-расм).



4-расм. ННТларни мажбурий аудит субъектлари сифатида белгиланишининг асосий заруратлари

ННТлар фаолияти аудити олдига қўйилган мақсад аудиторлар олдига қатор вазифаларни кўяди. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ННТлар фаолият турларининг қонун ҳужжатларига мослигини текшириш;
- ННТлар мулкини тўғри ва ўз вақида шакллантирилганлигини, уни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш.
- мақсадли тушумларни манбалари бўйича келиб тушуши ва аниқ мақсадлари бўйича ишлатилганлигини текшириш;

- ННТлар даромадлари ва харажатларини асосли ҳужжатлаштирилганлиги, уларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини текшириш;

- ННТларда солиқлар, тўловлар ва ажратмалар, ушланмаларни давлат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларга мувофиқ ҳисобланганлиги ва тўланганлигини текшириш;

- ННТларда бухгалтерия ҳисобини юритишда тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга амал қилинганликни текшириш;

- ННТларда ички назоратни яхши йўлга қўйилганлигини текшириш;

Ушбу ва бошқа муҳим вазифаларни тўғри ва ўз вақтида бажариш учун корхоналарда маълум шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим. Бундай шарт-шароитлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

*ННТларда ҳисоб-китоб ва ҳисоб ишлари билан шуғулланувчи аппаратни (бухгалтерияни) ташкил этиш ёки бу ишларни аниқ ходимга юклатилган бўлиши;

*корхонанинг ҳисоб сиёсатининг таркибий қисми бўлган ишчи счётлар режасида ННТларнинг фаолияти, фаолият натижалари, мулки ва мулкни ташкил топиш манбаларини акс эттирувчи ишчи счётлар режаси, ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини бўлиши, уларни тизимли равишда даврлар бўйича юритилиши ва сақланиши;

* ННТлар фаолияти ва мулки, маблағлар сарфи доимо раҳбар ва бош бухгалтер назоратида бўлишлиги ва бошқалар.

Аудит олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлиқ ва тўғри бажарилишни аудиторлик текширувларини олиб боришда қонун ҳужжатларида белгиланган тамойилларга амал қилишни тақозо этади. Бу бевосита ННТлар фаолияти аудитига ҳам тегишлидир.

Аудит тамойиллари деганда уни олиб боришда ва натижаларини расмийлаштиришда амал қилиш лозим бўлган, шунингдек аудиторлар томонидан корхонада ҳисоб ва ҳисоботни юритишда амал қилинишни текшириладиган қоида ва тартиблар мажмуаси тушунилади.

Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни (2-1-модда)га мувофиқ аудитни олиб боришда ва унинг натижаларини расмийлаштиришда амал қилишини лозим бўлган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

(1) мустақиллик;

(2) холислик;

(3) эркинлик;

(4) профессионал малакалилик;

(5) маҳфийлик.

Ушбу тамойилларнинг мазмуни ва уларнинг ННТлар фаолияти аудитида қўллаш хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ННТлар фаолияти аудитида қўлланиладиган асосий тамойилларнинг мазмуни

№	Тамойил номи	Тамойилнинг мазмуни
1	Мустақиллик	ННТлар фаолитини мустақил тарзда ташқи ва ички таъсирларсиз текшириш
2	Холислик	ННТлар фаолиятини холис текшириш, яъни унда бир томонининг нафи, бошқа томонининг зарари умуман мақсад бўлиши мумкин эмас
3	Эркинлик	ННТлар фаолиятини текшириш усулларини эркин танлаш
4	Профессионал малакалилик	ННТлар фаолиятини профессионал малакали асосда текшириш
5	Махфийлик	ННТлар фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотларни сир сақлаш ва бошқаларга етказмаслик

ННТлар фаолияти аудиторлик текширувларини ўтказишда турли усулларни қўллаш мумкин. Бундай усулларнинг асосийлари сирасига қуйидагилар киради (5-расмга қаранг).



5-расм. ННТлар фаолияти аудитида қўлланиладиган усуллар

ННТлар фаолияти аудитида қўлланиладиган асосий текширув усулларнинг моҳияти ва аҳамияти 2-жадвалда келтирилган.

MARQANDJOTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 53720

2-жадвал

ННТлар фаолияти аудитида қўлланиладиган усулларнинг моҳияти ва аҳамияти

№	Усулнинг номи	Усулнинг моҳияти ва аҳамияти
1	Ҳужжатлаштириш	бу ННТларда юз берган ҳўжалик операцияларига гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳужжатларни тўғри тузилганлигини текширишдир. Ҳужжатлаштириш, тегишли ҳужжатлар йиғилган аудиторлик исботу-далилларни гасдиқлашда, у ёки бу кўрсаткич тўғрисидаги ахборотлар реаллигига баҳо беришда ўта муҳим роль ўйнайди.
2	Инвентаризация	бу ННТлар активлари ва мажбуриятлари реал ҳолатини аниқлаш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш усули. Инвентаризация ёрдамида ННТлар мулкининг бутлиги, сифати, яроқлилиги, мажбуриятларнинг муддати ўтганлиги ёки ўтмаганлиги, ижро интизоми, моддий жавобгар шахслар фаолиятига баҳо берилади.
3	Экспертиза	бу ННТлар фаолиятига доир ҳужжатлар ёки улардаги суммалар, имзолар ва бошқа муҳим маълумотлар ҳаққонийлигини аниқлаш усули. Бу усул ҳужжатлар ҳаққонийлигига шубҳа туғулганда кенг қўлланилади.
4	Ёппа текшириш	бу ННТлар мулки, фаолияти, юз берган операциялар, уларга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва суммаларни тўлиғича текширишдир. Ушбу усулдан танлаб текшириб бўлмайдиган объектларни, чунончи тушумлар, уларнинг сарфи, пул оқимлари ва бошқаларни текширишда фойдаланилади.
5	Танлаб текшириш	бу ННТлар мулки, фаолияти, юз берган операциялар, уларга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва суммаларни маълум меъёрлар ёки тартибларга кўра танлаб текширишдир. Ушбу усулдан сони ва миқдори жуда кўп бўлган моддий бойликларни, шубҳа туғдирадиган дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳолатини текширишда кенг фойдаланилади
6	Анкета усули	бу ННТлар фаолиятига доир турли исботу-далилларни тўплаш мақсадида аудиторлар томонидан олдиндан сўровнома кўринишида тайёрланадиган иш ҳужжатидир. Анкеталарга киритилган саволларга жавобларни тўплаш аудиторларга у ёки бу саволларга жавоблар, яъни тегишли исботу-далилларни тезкор йиғиш, улар асосида текширувни айнан қандай йўналишларда олиб боришга доир ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради.
7	Хронометраж	бу айрим ҳўжалик жараёнлари ва ҳодисаларини юз бериш ҳолатини ўлчаш, фиксация қилиш, расмга олиш орқали назорат қилиш усулидир. Одатда, аудитда хронометраж усулидан ННТларда ТМБ ҳолати ва

		мавжудлигини, жисмоний кўринишини, ишга келиш ва ундан кетиш, шунингдек бошқа ижро интизомига оид саволларни текширишда фойдаланилади.
8	Тест усули	бу олдиндан тайёрланган саволларга тайёр жавоблардан бирини танлаш усули. Ушбу усулда, одатда, тайёрланган тест савол-жавоблари варақасида қўйилган саволларга "ҳа" ёки "йўқ", "мавжуд" ёки "мавжуд эмас, "бор" ёки йўқ", "+" ёки "-" каби жавоблар ёки белгилар қўйиб чиқилади. Бундай тарзда исботу-далилларни тўплаш ННТлар фаолияти текшируви натижаларини олиш ва умумлаштиришни тезлаштиради.
9	Тушунтиришлар олиш	бу меъёрдан ортиқ сарфлар, йўқотишлар, камомадлар, қонун ҳужжатларига зид бошқа салбий ҳоллар аниқланганда улар сабабларини ўрганиш ҳамда тегишли қарорларни тўғри қабул қилиш мақсадида ёзма равишда олинадиган тушунтириш хатлари, билдиргилардир
10	Гуруҳлаш	бу текширин олиб борилган объект тўғрисидаги ахборотларни турли кесимларда тавсифлашдир. Одатда, аудитда исботу-далиллар текширилаётган кўрсаткичлар бўйича уларнинг турлари, ойлар, жавобгарлик маркалари ва бошқа жиҳатлари бўйича гуруҳланади. Гуруҳлаш усули аудиторларга текширилган объект тўғрисидаги исботу-далилларни турли жиҳатлари бўйича баҳолашларига имкон беради.
11	Индекс усули	бу кўрсаткичлар ҳолати ва динамикасини, улардаги ўзгаришларни сонлар ёки фоизлар билан ифодалаш усули. Бу усул ННТлар фаолияти сифат кўрсаткичларига баҳо беришда кенг қўлланилади.
12	Жадвал усули	бу текширувда йиғилган исботу-далилларни, аниқланган натижаларини таҳлилий жадваллар кўринишида расмийлаштириш усули. Таҳлилий жадваллар ННТлар фаолиятига доир барча кўрсаткичлар бўйича уларга доир исботу-далилларни асосли ва тушунарли тарзда ёритиши лозим. Улар шакллари ва мазмуни текширилаётган объектларга доир ахборотларни фойдаланувчилар учун энг муҳим бўлган жиҳатлари бўйича очиб бериши керак. Шунингдек, таҳлилий жадваллар ННТлар фаолиятига оид ҳисоб ва ҳисоботи маълумотларини тасдиқловчи, ўзига хос тафсилотини берувчи аудиторлик иш ҳужжатлари бўлиб ҳисобланиши лозим.
13	Занжирли алмаштириш усули	бу текширилаётган натижавий кўрсаткичга бевосита таъсир қилувчи омилларнинг таъсир доирасини пул бирлигида боғлиқлик тарзда ҳисоб-китоб қилиш усулидир. Аудитда, одатда, текширилган кўрсаткич бўйича аниқланган четланишлар суммалари қандай сабабларга кўра юз берганлиги аниқ суммалар кўринишида исботланиши лозим.

14	Таққослаш	бу текширувда кўрсаткичларнинг пул ва бошқа бирликларда аниқланган миқдорларини ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан солиштиришдир. Бундай солиштириш ҳисоб ва ҳисоботда у ёки бу кўрсаткич бўйича мавжуд четланишларни аниқлаш имконини беради. Шунингдек, аудитда НҲТлар фаолиятини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар йиллар бўйича таққосланиши мумкин. Бундай таққослаш улар фаолиятида мавжуд бўлган ижобий ва салбий тенденцияларга баҳо бериш имконини беради.
15	Жамлаш ва умумлаштириш	Бу аудиторлик текшируви натижаларини оралиқ ва якуний аудиторлик ҳисоботлари кўринишида умумлаштиришдир. **Оралиқ ҳисобот-** бу ўзида текширув натижаларини у ёки бу оралиқ даврлар кесимида мужассам этувчи аудиторлик ҳисоботи. **Якуний ҳисобот** - бу ўзида текширув натижаларини тўлиқ ҳисобот йили бўйича ифода этувчи аудиторлик ҳисоботи.

2-боб. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

2.1.Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти аудитининг ташкилий таъминоти

Аудитнинг ташкилий таъминоти ўз ичига уни ташкил этиш босқичларини, режа ва дастурини, аудиторлик хатари ва жиддийлик даражаларини, бевосита аудит текширувини, унинг натижаларини расмийлаштириш, муҳокама қилиш ва тадбиқ қилиш каби муолажаларни (ишларни) олади. Айнан шундай муолажалар (ишлар) биргаликда ННТлар фаолияти аудити ташкилий таъминоти мазмунини ҳам ташкил этади.

ННТлар фаолияти аудиторлик текширувини ташкилий жиҳатдан бошқа субъектлардаги сингари тўртта босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу босқичлар ва уларда бажариладиган ишлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ННТлар фаолияти аудитининг босқичлари

Босқич	Босқичда амалга оширилади ган ишлар
1-босқич. Аудиторлик текширувини режалаштириш босқичи.	Ушбу босқичда ННТнинг аудиторлик текширувини ўтказиб бериш бўйича ўзма буюртмаси қабул қилинади; унинг ҳисоб ва ҳисоботи дастлабки ҳолати ўрганилади, улар бўйича иш ҳажми ва қиймати, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади; аудиторлик текширувини ўтказувчи субъект номига молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш *мажбуриятини олиш тўғрисида розилик* хати тайёрланади; аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида шартнома, аудиторлик текшируви режаси ва дастури тузилади.
2-босқич. Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи	Бу босқичда тасдикланган дастурга мувофиқ ННТ молиявий хўжалик фаолияти тасдикланган режа ва дастурга асосан аудиторлик текширувидан ўтказилади
3-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи.	Бу босқичда аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар кўрсатилади
4-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини амалиётга тадбиқ этиш босқичи.	Ушбу босқичда ННТ молиявий молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текширувида аникланган фактлар раҳбарият билан муҳокама этилади, мавжуд камчиликлар ва четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ННТлар фаолияти аудитининг ҳар бир босқичида турли муолажалар амалга оширилади ҳамда улар асосида тегишли аудиторлик иш ҳужжатлари тайёрланади. Чунончи, унинг 1-босқичида тайёрланадиган муҳим иш ҳужжатлари бўлиб аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартнома ҳамда унинг режаси ва дастури ҳисобланади.

Испаниялар аудиторлик ташкилотлари амалиётида ННТлар фаолияти аудиторлик текширувига доир бир-биридан фарқланувчи режа ҳамда дастурлар қўлланилаётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу қўлланилаётган аудит режа ва дастурларини етарлича мукаммал, деб бўлмайди.

ННТлар фаолияти аудитида бир-биридан фарқланувчи, шунингдек мукаммал бўлмаган режа ва дастурлардан фойдаланилаётганлик негизида турли сабаблар ётади. Бундай сабаблар сирасига, чунончи ННТлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, улар учун махсус аудиторлик текширувининг намунавий режаси ва дастурини ишлаб чиқилмаганлигини, ушбу аудит дастакларини амалдаги стандартлар билан мустаҳкамланмаганлигини, шунингдек уларни чоп этилган ўқув ҳамда амалий қўлланмаларда ўз аксини топмаганлигини киритиш мумкин.Табиий равишда, бу сабаблар ННТларда ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатига маълум даражада салбий жиҳатдан ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Республикамизда мажбурий аудиторлик текширувларидан ўтувчи ННТлар сонининг борган сари ошиб бораётганлиги, улар фаолиятининг бошқа хўжалик субъектлар фаолиятидан тубдан фарқ қилиши, аудиторлик ташкилотларида текширувларни яхлит методологик асосларда ўтказишни муҳим аҳамиятга моликлигини эътиборга олган ҳолда ушбу субъектлар учун аудиторлик текширувларининг намунавий режа ва дастурини махсус яратилишини, шунингдек ушбу аудит дастакларини 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш»га киритилишини объектив зарурат, деб ҳисоблаймиз. Айнан шундай зарурат ҳамда ННТлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, биз мазкур субъектларда ўтказиладиган аудиторлик текширувлари намунавий режаси ва дастурини «Маҳалла» жамоат фонди мисолида ишлаб чиқишга харакат қилдик. Ушбу аудит дастаклари 1- ва 2- иловаларда келтирилган.

Фикримизча, ННТлар фаолияти аудитининг ушбу тавсия этилаётган намунавий режа ва дастурини 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш»га киритиш ҳамда ушбу стандартга мувофиқ амалиётда қўллаш қуйидагиларга имкон беради:

*ННТлар фаолияти аудитини барча аудиторлик ташкилотлари томонидан яхлит тартибда ўтказиш;

*ННТлар фаолияти аудитида уларнинг барча хусусиятларини бир хилда камраб олиш;

*ННТлар томонидан аудиторлик текширувлари сифатига бир хилда талабларни қўйиш орқали ушбу сифатни юқори савияда таъминловчи аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш;

*аудиторлик ташкилотлари ўртасида ННТлар фаолияти аудитини ягона режа ва дастур асосида ўтказиш бўйича рақобат муҳитини ривожлантириш ва бошқалар.

ННТлар фаолияти аудиторлик текшируви ташкилий таъминотининг энг муҳим масалалари бўлиб унинг дастаклари бўлган аудиторлик текширувлари тўғрисидаги шартномаларда, шунингдек уларга илова қилинадиган аудиторлик текшируви режаси ҳамда дастурида иш ҳажми ва қиймати, жиддийлик ва аудиторлик риски даражаларини асосли белгилаш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик ташкилотлари ҳамда улар мижозлари учун ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган ушбу масалалар ҳозиргача ўзининг аниқ илмий асосланган ечимини топган эмас. Аудиторлик текшируви бўйича иш ҳажми унинг режаси ва дастурида кишн/кун ёки кишн/соатларда аудиторлик ташкилотлари томонидан таҳминан қўйилмоқда. Худди шунингдек, аудиторлик текшируви бўйича аудиторлар томонидан бажариладиган иш қиймати ҳам ҳеч бир меъёрларга асосланмасдан келишув йўли билан таҳминан белгиланмоқда. Аудиторлик риски ҳамда жиддийлик даражалари аудит режаси ҳамда дастурида номига қўйилмоқда ёки умуман уларда қўйилмасдан қолмоқда.

Юқоридаги муаммолар бевосита ННТларда ўтказилаётган аудиторлик текширувларига ҳам даҳлдордир. Бу муаммоларни аудиторлик фаолиятига умумий ва методологик раҳбарликни олиб бораётган давлат органи, яъни Молия вазирлиги даражасида ҳал этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, ушбу давлат органи томонидан аудит текширувига доир муолажалар рўйхати, уларни бажаришга кетадиган аниқ вақт меъёрлари белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, вақт меъёрлари аудит текширувининг бевосита объектлари ҳисобланган ҳар бир бухгалтерия ҳисоби счётлари кесимида уларга тегишли бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари бўйича минут ёки соатларда белгиланиши лозим. Ушбу вақт меъёрлари, шунингдек ҳар бир счёт бўйича текширилиши лозим бўлган бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларининг аниқланган сони аудиторлар томонидан аудиторлик текшируви бўйича иш ҳажмини тўғри белгиланишига имкон берган бўлар эди. Бу, ўз навбатида, аудиторлик текширувлари муддатини тўғри белгиланишига, шу муддатда уни тўлиқ тугатишга, қолаверса аудиторларни мижоз корхонада ортиқча ва асоссиз қолиб кетмаслигига олиб келган бўлар эди. Бундай тартиб, шунингдек, аудиторлик ташкилоти ва унинг мижози ўртасида аудиторлик текшируви муддатларини чўзилиб кетиши бўйича эътироз билдириш ҳолати олдини олиш имконини ҳам беради, деб ҳисоблаймиз.

Корхоналарда, шу жумладан ННТларда ўтказилаётган аудиторлик текширувларида шартнома қийматини реал ҳақиқатга яқин тарзда белгилаш долзарб муаммолигича қолмоқда. Асосан ҳайриялар ва турли мақсадли тушумлар эвазига ўз фаолиятини олиб бораётган ННТлар, табиий равишда, улар учун мажбурий бўлган аудиторлик текширувларини арзон нархларда ўтказиш тарафдори ҳисобланади. Асосий иши, фаолияти аудиторлик текшируви ҳисобланган аудиторлар учун эса улар меҳнатини тўғри баҳолаш

энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотлари бажариладиган иш қийматини етарлича тўғри баҳоланишига, табиий равишда, тўғридан-тўғри манфаатдордирлар.

Бизнинг фикримизча, аудиторлик текширувлари бўйича вақт сарфи меъёрлари сингари аудиторлар меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрлари, яъни ўртача тариф ёки расценкалар ҳам Молия вазирлиги даражасида ҳал этилиши зарур. Аудиторларнинг 1 соатлик меҳнатига тариф ёки расценкаларни Молия вазирлиги томонидан белгиланиши аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги молиявий муносабатларни бир хилда тартибга солинишига, ўзаро асоссиз мунозараларнинг олдини олинишига олиб келади. Иш қийматини белгилашда барча учун бир хилда бўлган тариф ва расценкаларни қўлланилиши аудиторлик ташкилотлари ўртасида аудиторлик текширувларини сифатли ўтказиш бўйича ўзаро рақобатни кучайишига, мижозлар томонидан текширувларни энг сифатли ўтказадиган аудиторлик ташкилотларини танлашларига ҳам имкон беради.

2.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти аудитининг ахборот таъминоти

ННТлар фаолияти негизида, олдинги бобда таъкидланганидек, авваламбор, унинг устав мақсадлари ва вазифаларини бажариш, бу вазифаларни бажариш учун келиб тушадиган мақсадли маблағлардан оқилона фойдаланиш ётади. ННТлар фаолиятини юритиш ва уни молиялаштириш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда назорат қилиш учун уларда махсус «Тушум ва сарфлар сметаси» тузилади. Ушбу бошқарув ҳужжатининг аҳамияти шундаки, унда ННТга келиб тушадиган мақсадли маблағлар манбалари, маблағлар чиқими эса мақсадли сарфларнинг алоҳида моддалари кесимида кўрсатилади. Тушум ва сарфлар сметасига амал қилиш, унинг ижросини таъминлаш ННТлар бошқарув аппаратига унинг таъсисчилари, ҳомийлари, юқори ташкилотлари, қолаверса давлат назорат органлари томонидан қўйиладиган асосий талаблардан ҳисобланади. Тушум ва сарфлар сметасидан четланишларга объектив сабабларсиз йўл қўйиш, одатда, салбий ҳолат, деб ҳисобланади. Айнан шулар «Тушум ва сарфлар сметаси»ни ННТларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ўта муҳим ахборот манбаларидан бири эканлигидан дарак беради. ННТлар фаолиятини ташкил қилувчи барча жараёнлар ва операциялар, мақсадли тушумлар кирими ва сарфи турли гувоҳлик берувчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади, улар бўйича турли шакл ва мазмундаги ҳисоботлар тузилади. Айнан ушбу ҳужжатлар, ҳисоб-регистрлари ва ҳисоботлар ҳам ННТлар фаолияти аудитининг муҳим ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади.

Аудитнинг самарали ва тўғри ўтказилиши бевосита ННТларда илмий асосланган ва тўғри ташкил этилган ҳисоб тизимини мавжудлигига бевосита боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, республикамизда ННТларда ҳисоб ва ҳисоботни юритиш махсус меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган. Улар фаолияти ҳисоби, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардагидек,

республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» асосида юритиб келмоқдалар. Бироқ ушбу БҲМСда ННТлар фаолиятида юз берадиган барча жараёнлар, маблағлар ва уларнинг сарфи, чунончи мақсадли тушумларнинг келиб тушиши ва сарфланишининг ҳисоби, ННТлар хусусиятларидан келиб чиқиб, атрофлича очиб берилмаган. Шу боис ҳам, ҳозирги пайтда ННТлар амалиётида улар фаолияти, маблағлар ва уларнинг сарфи, чунончи мақсадли тушумлар кирими ва чиқими ҳисоби турли бир-биридан фарқланувчи услубий тартибларда олиб боримоқда.

ННТлар фаолиятини ташкил қилувчи жараёнлар ва операциялар, уларнинг маблағлари кирими ва сарфи ҳисобини яхлит методологик тартибда олиб боришни таъминлаш учун ННТлар республика ассоциацияси даражасида Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда махсус «ННТлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» ишлаб чиқилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу меъёрий ҳужжатда ННТларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, мақсадли тушумларнинг келиб тушишини уларнинг ҳар бир манбасига қараб, ушбу маблағларнинг сарфланишини эса ННТларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган моддалар бўйича акс эттирадиган счётлар тизимини назарда тутиш фойдадан холи бўлмайди.

Юқорида таъкидлангандек, мақсадли тушумлар ННТлар хусусий капиталининг асосий турн бўлиб ҳисобланади. Бироқ, республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунига кўра мақсадли тушумлар умуман хўжалик юритувчи субъектлар, чунончи ННТ хусусий капиталининг элементи сифатида эътироф этилмасдан қолган. Бухгалтерия баланси ҳамда «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»да эса мақсадли тушумлар хусусий капиталнинг элементлари сифатида алоҳида моддаларда акс эттирилади. Бизнингча, мақсадли тушумларнинг хусусий капитал элементи сифатида тан олинишини бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга ҳам киритиш лозим. Шунингдек, мақсадли тушумларнинг турлари тўғрисида батафсил ва тўлиқроқ ахборотларни олиш мақсадида ННТларда ҳам «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»ни тузишни йўлга қўйиш ҳамда бу ҳисоботда мақсадли тушумларнинг ҳар бир турини алоҳида моддалар сифатида акс эттирин лозим.

ННТларда мақсадли тушумлар ҳисобини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бизнингча, ушбу ҳисоб объектининг таркибини унинг мақоми ва мазмунига тўлиқ мослаштириш ҳисобланади. Чунончи, жамоат фондларида умумхалқ ҳашаридан тушган ҳайрия тушумларини, ҳомий ташкилотлардан келиб тушган мақсадли тушумларни, депозит счётларга қўйилган маблағлардан олинган фоиз кўринишидаги тушумларни мақсадли тушумлар таркибида алоҳида гуруҳга ажратиш, мос равиш 21- сон БҲМСда назарда тутилган 8800 «Мақсадли тушумлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар» тизимида алоҳида 8850 «Умумхалқ ҳашаридан тушган ҳайрия тушумлари», 8860 «Ҳомий ташкилотлардан тушган мақсадли тушумлар», 8870 «Депозит счётларга қўйилган маблағлардан фоиз кўринишидаги тушумлар»

счётларини очиш зарурати бор. Мақсадли тушумлар миқдори ва кўлами улар ҳолати ва ҳаракатини махсус счётларда тизимли равишда юритишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, ушбу мақсадли тушумлардан мақсадли фойдаланиш устидан бухгалтерия назоратини узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни тизимли равишда алоҳида шакллантиришга, шунингдек, жамоат фондларида ўтказиладиган ташқи аудитни объектив, асосли ҳисоб маълумотларига таянилган ҳолда амалга оширишга имкон беради.

Яна бир методологик муаммолардан бири бўлиб мақсадли тушумлар ҳамда бегараз олинган мулк ва бегараз олинган молиявий ёрдамларнинг барчасини бир хилда тушум сифатида эътироф этиш ҳисобланади. Ҳозирда амалда бўлган тартибга кўра мақсадли тушумларнинг айрим турлари, масалан, хайрия тушумлари, давлат бюджетидан берилаётган дотациялар ва субсидиялар жамоат ташкилотларида 8800 «Мақсадли тушумлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар» тизимида мақсадли тушум сифатида акс эттирилади. Бегараз олинган мулк эса жамоат фондларида худди бошқа хўжалик юритувчи субъектларидаги сингари резерв капитали сифатида тан олинади ва мос равишда 8530 «Бегараз олинган мулк» счётида акс эттирилади. Бизнингча, бундай олинган бегараз мулк ҳам ННТларида 8800 «Мақсадли тушумлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар» тизимида алоҳида счётда, масалан 8880 «Бегараз олинган мулк» счётида акс эттирилиши керак.

Республикамизнинг 21-сон БҲМСда мақсадли тушумларнинг ишлатилиши бўйича хўжалик ситуацияларини счётларда акс эттириш тартиби тўлигича ўз аксини топмаган. Фикримизча, ННТлар республика ассоциацияси даражасида тузилиши ва тасдикланиши тавсия этилаётган махсус «ННТлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да, қолаверса амалдаги 21-сон БҲМСда мақсадли тушумларнинг мақсадли фойдаланишни мумкин бўлган барча ҳолларини счётларда акс эттириш тартибини тўлиқ акс эттириш лозим.

ННТларда мақсадли тушумларнинг ишлатилиши тўғрисида очиқ ва атрофлича ахборотларни тизимли шакллантириш учун 21-сон БҲМС асосида яратилиши таклиф этилаётган йўриқномада қуйидаги счётларни назарда тутиш фойдадан ҳоли бўлмайди: 9410 «Устав вазифаларни бажаришга қилинган харажатлар»; 9420 «Бошқарув харажатлари»; 9430 «Бошқа операцион харажатлар». Ушбу счётларга олиб бориладиган харажат моддалари таклиф этилаётган йўриқномада барча ННТлар учун ягона тарзда «Тушум ва сарфлар сметаси»да келтириладиган моддаларга мос равишда белгиланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Харажатларни акс эттирувчи ушбу счётларнинг дебетида тўпланган суммалар ҳар ойнинг охирида 8800 «Мақсади тушумлар» счёти тизимида очиладиган счётларига ёпилиши керак.

Фикримизча, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мақсадли тушумлар ҳисобини янада яхшилашга, улардан фойдаланиш устидан ички назоратни олиб борилишини кучайтиришга, аудиторлик текширувларини осонлаштиришга, шу асосда ахборот фойдаланувчиларнинг талабларини тўлароқ қондиришга имкон беради.

3-боб. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, устав ҳужжатлари ва уларга амал қилиш ҳолатининг аудити

ННТлар фаолияти аудиторлик текширувлари дастурига киритиладиган муҳим саволлардан бири бўлиб уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳужжатларининг мавжудлигига иқрор бўлиш, ҳақиқатдан ҳам уларга амал қилинаётганлик ҳолатига баҳо бериш ҳисобланади.

ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*устав ҳужжатлари – устав, таъсис шартномаси;

* давлат рўйхатидан ўтказиш органи томонидан берилган гувоҳнома;

* фаолият юритишга асос бўлувчи лицензия;

* маҳсулот сифати сертификати;

* бошқа ҳужжатлар.

Аудиторлик текширувида ушбу ҳужжатларнинг мавжудлигига шахсан иқрор бўлишлик лозим ва уларнинг нусхалари аудиторнинг ишчи ҳужжатлари сифатида олинини мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, аудиторлар ННТлар томонидан кўрсатилган фаолият турларининг уставга мослиги, улар бўйича лицензиялар, сифат сертификати ва бошқа ҳужжатларига амал қилишлик ҳолатига баҳо беришлари лозим.

ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*устав ҳужжатлари – устав, таъсис шартномаларининг мавжудлиги, давлат қайдидан ўтганлигини тасдиқлаш;

* фаолият турлари ва уларни юритишга асос бўлувчи лицензиялар ҳамда сифат сертификатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлаш;

* устав капиталини ўз муддатида шаклланганлиги ёки шаклланмаганлигини, ёки уни қачналик шаклланганлигини тасдиқлаш.

* ҳисобот йилида ташкилий-ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳужжатларда юз берган ўзгаришларни тасдиқлаш.

Изланишлар аудиторлик ташкилотлари амалиётида корхоналарнинг, чунончи ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, устав ҳужжатлари ва уларга амал қилиш ҳолатини аудиторлик текшируви натижаларини аудиторлик ҳисоботида акс эттиришда яхлит ёндашишнинг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Чунончи, кўпгина аудиторлик ҳисоботларида корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг натижалари етарлича ўз аксини топмасдан қолмоқда. Бизнингча, ушбу муҳим объектни аудиторлик ҳисоботида акс

ўтиришда яхлит тартибга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай яхлитликка эришиш мақсадида **«KOMIL-ISHONCH»** аудиторлик ташкилотида ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларини аудиторлик ҳисоботида акс эттиришнинг 3-иловада келтирилган матнини намуна сифатида кенг қўлланиш фойдадан холи бўлмайди, деб биламиз.

3.2. Нодавлат нотижорат ташкилотларда мақсадли тушумлар киримига оид операцияларни аудит текширувидан ўтказишнинг услубий жиҳатлари

Олдинги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, ННТлар фаолиятини узлуксиз юритилишини таъминлашнинг, шунингдек улар активларини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб мақсадли тушумлар ҳисобланади. Ушбу маблағларнинг ўз вақтида келиб тушиши ННТларнинг ўз устав мақсадларига эришишининг бош омили ҳисобланади. Шу боис ҳам, мақсадли тушумларнинг келиб тушишига ва улар киримига оид операциялар ННТларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг энг муҳим объектларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мақсадли тушумлар киримига оид операциялар аудитини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш тавсия этилади (6-расм).



6-расм. ННТларда мақсадли тушумлар киримига оид операциялар аудитининг кетма-кетлиги

ННТларда мақсадли тушумлар турлича кўринишда ва турлича манбалардан келиб тушади. Чунончи, «Маҳалла» жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлимига ўрганилган 2011-2013 йилларда мақсадли тушумлар қуйидаги манбалардан келиб тушган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

«Маҳалла» жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бўйича 2011-2013 йилларда келиб тушган мақсадли тушумлар

№	Мақсадли тушумларнинг келиб тушуш манбалари	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		Млн. сўм	Хиссаси, %	Млн. сўм	Хиссаси, %	Млн. сўм	Хиссаси, %
1	Умумхалқ хашаридан	3693,2	92,7	4511,7	80,7	5177,5	96,7
2	Депозит счётларга қўйилган маблағлардан фоиз тушумлари	67,4	1,7	65,8	1,2	54,0	1,0
3	Фонднинг республика ва туман бўлимлари ҳамда бошқа хомий ташкилотлардан тушумлар	224,2	5,6	1016,5	18,1	123,4	2,3
	Жами	**3984,8**	**100,0**	**5594,0**	**100,0**	**5354,9**	**100,0**

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Маҳалла» жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлимига келиб тушаётган мақсадли тушумларнинг асосий қисми умумхалқ хашари учун корхона ва ташкилотларнинг ўтказиб бераётган бегараз хайрияларидан иборат. Бу турдаги мақсадли тушумларнинг жами тушумлардаги хиссаси 2011 йилда 92,7 % ни, 2012 йилда 80,7 %ни, 2013 йилда 96,7 %ни ташкил этган. Бундан ташқари бўлим ихтиёрига келиб тушаётган маблағларда корхона ва ташкилотларнинг хомийлик ёрдами муҳим ўрин тутади. Ушбу турдаги мақсадли тушумлар 2012 йилда 2011 йилга нисбатан қарийб 800 млн. сўмга кўпайган, уларнинг жами тушумдаги хиссаси 5,6 %дан 18,1 %гача ошган. Бундан ташқари жамоат фонди бўш пул маблағларини банкдаги депозит счётларга қўйиш эвазига йилига қўшимча 54 млн. сўмдан 67 млн сўмгача тушумга эга бўлган.

Республика Қизил Ярим Ой Жамияти Самарқанд бўлимига 2013 йилда келиб тушган жами 347 858 минг сумлик мақсадли тушумлар қуйидаги таркибга эга бўлган:

- хомийлар ёрдамлари - 278 192 минг сум ёки жами тушумнинг 80 %,
- турли хизматлардан (ўқитиш, реклама қилиш, кўмак бериш ва бошқалар) тушумлар – 14619 минг сўм ёки жами тушумнинг 4,2 %;
- қуйи ташкилотлар, яъни шахар ва туман бўлимларидан 26 % лик ажратма - 55 047 минг сўм ёки жами тушумнинг 15,8 %.

Турли мутахассисларнинг жамоатчилик бирлашмалари бўлган Ассоциацияларда мақсадли тушумларнинг асосий манбаси бўлиб ушбу ассоциацияларга аъзолик ва кириш бадаллари хисобланади. Чунончи, Пастдарғом туман хамширалар Ассоциациясига ҳар йили келиб тушадиган қарийб 10 миллионлик мақсадли тушумлар ушбу туман шифохоналарида

меҳнат қилаётган ҳамшираларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган ва Ассоциацияга ўтказиб бериладиган аъзолик бадалларидан иборат.

Самарқанд вилояти «Раҳмдиллик» жамияти олаётган мақсадли тушумлар асосан халқаро ташкилотлар томонидан ажратилган грантлар ва кўрсатилган гуманитар ёрдамлардан ташкил топган.

ННТларга мақсадли тушумлар асосан миллий ва хорижий пул маблағлари кўринишида келиб тушади. Шунингдек, улар асосий воситалар, номоддий активлар, жиҳозлар, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, товар-моддий бойликлар билан ҳам олинади. Келиб тушган мақсадли тушумларнинг турлари ва миқдори турли шартномаларда (бегараз ёрдам тўғрисида шартнома, ҳомийлик тўғрисида шартнома ва бошқалар), шунингдек касса ва банк ҳужжатларида, счёт-фактуралар, юк божхона декларацияларида ва уларга илова қилинадиган инвойсларда, қабул қилиш-топшириш далолатномаларида ўз аксини топади.

Мақсадли тушумлар кирими аудитида юқорида номлари зикр этилган ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек улар асосида ННТларга мақсадли тушумларнинг ҳақиқатда кирим қилинганлиги, улар суммасига тегишли ҳисоб регистрларида ёзувларнинг тўғри берилганлиги, ҳисоб маълумотларининг тўғри жамланганлиги ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги текшириб чиқилиши лозим.

Мақсадли тушумлар киримини текшириш натижаларини ифодаловчи аудиторлик ишчи ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш ўта муҳимдир. Аудиторлик ташкилотлари амалиётда ушбу аудиторлик ишчи ҳужжатлари турли шакл ва мазмунларда тузилмоқда. Бизнингча, мақсадли тушумлар киримини ифодаловчи аудиторлик ишчи ҳужжатларини уларнинг ҳар бир тури (грантлар, субсидиялар, дотациялар, аъзолик ва кириш бадаллари, солик имтиёзлари, хайрия, ҳомийлик, гуманитар ёрдам ва бошқалар) бўйича қуйидаги яхлит шаклда тузиш кўпроқ самара беради (5-жадвал).

5-жадвал

Мақсадли тушумлар кирими реестри
(мақсадли тушум турлари бўйича)

№	Ҳужжат		Кимдан олинган	Нима олинган	Сумма	Берилган ёзув	
	№	Сана				Дебет	Кредит
Жами сумма					Σ		

Ушбу аудиторлик ишчи ҳужжатининг жами суммаси ННТга кирим қилинган жами мақсадли тушумлар суммасини ифодалайди. Бу суммани ННТнинг ҳисоботида кўрсатилган жами келиб тушган мақсадли тушумлар

суммаси билан таққослаш уни ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш имконини беради.

Юқорида шакл ва мазмуни келтирилган реестр маълумотларни мақсадли тушумлар турлари кесимида НҲТлар Бош китобида ойма-ой тўғри акс эттирилганлигига иқрор бўлиш учун қуйидаги қўшимча аудиторлик ишчи ҳужжатини тузиш фойдадан холи бўлмайди (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Мақсадли тушумларнинг турлари бўйича Бош китобда акс эттирилиши ҳолати

№	Мақсадли тушум сифатида олинган активлар	Дебетланадиган баланс счёти	Кредит 8800 счёт (ойлар кесимида)												
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Жами
1	Пул маблағлари	5010													Σ
		5110													Σ
		5530													Σ
		5210													Σ
2	Асосий воситалар	0100													Σ
3	Номоддий активлар	0400													Σ
4	Жиҳозлар	0700													Σ
5	Капитал қурилиш объектлари	0800													Σ
6	Материаллар	1000													Σ
7	Боқувдаги моллар	1100													Σ
8	Товарлар	2900													Σ
	Жами		Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ	Σ

Ушбу аудиторлик ишчи ҳужжатининг ҳар бир қаторида акс эттирилган сумма НҲТга ойма-ой кирим қилинган мақсадли тушумларнинг алоҳида тури суммасини, охирги устундаги сумма эса ҳисобот йилида келиб тушган жами шу турдаги мақсадли тушум суммасини ифодалайди. Чунончи, ишчи ҳужжатнинг 1-тартиб рақамининг биринчи сатрида Дебет 5010 Кредит 8800 ёзувида кўрсатилган сумма бевосита НҲТ кассасига нақд пул билан кирим қилинган мақсадли тушумни, 2-тартиб рақамида Дебет 0100 Кредит 8800 ёзувида кўрсатилган сумма эса асосий воситалар кўринишида олинган мақсадли тушумни билдиради. Аудиторлик ишчи ҳужжатининг ҳар ой учун очилган устунчада кўрсатилган суммалар шу ҳисобот ойида кирим қилинган мақсадли тушумларнинг алоҳида тури ҳамда барча мақсадли тушумларнинг жами суммасини ифодалайди. Тузилган аудиторлик ишчи ҳужжатдаги суммаларни НҲТнинг Бош китобида ойма-ой кўрсатилган суммалар билан таққослаш

мақсадли тушумлар киримини Бош китобда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш имконини беради.

6-жадвалда келтирилган маълумотлар аудиторларга НҲТларда мақсадли тушумлар киримини бўйича бухгалтерия ёзувларини ҳам тўғри ёки нотўғри берилганлигини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун аудиторлар НҲТларга мақсадли тушумларнинг киримини бўйича 21-сон БҲМСда назарда тутилган ҳамда биз томонимиздан тавсия этилаётган қуйидаги ёзувларни асосий мезон сифатида олишлари фойдадан холи бўлмайди (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

НҲТларда мақсадли тушумларни акс эттирувчи бухгалтерия ёзувлари

№	Операция мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжатлар
1	Мақсадли тушумларнинг нақд пул билан келиб тушуши	5010	8810-8890	Кирим касса ордери
2	Мақсадли тушумларнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушуши	5110	8810-8890	Банк кўчирмаси, электрон топшириқнома
3	Мақсадли тушумларнинг валюта счётига келиб тушуши	5210	8810-8890	Банк кўчирмаси, электрон топшириқнома
4	Мақсадли тушумларнинг махсус счётларга келиб тушуши	5500	8810-8890	Банк кўчирмаси, электрон топшириқнома
5	Мақсадли тушумларнинг асосий воситалар билан келиб тушуши	0110-0190	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
6	Мақсадли тушумларнинг номоддий активлар билан келиб тушуши	0410-0490	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
7	Мақсадли тушумларнинг жиҳозлар билан келиб тушуши	0710-0720	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
8	Мақсадли тушумларнинг тугалланмаган капитал қурилиш объектлари билан келиб тушуши	0810	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
9	Мақсадли тушумларнинг материаллар билан келиб тушуши	1010-1090	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
10	Мақсадли тушумларнинг боқувдаги ва ўстиришдаги молдар билан келиб тушуши	1110	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
11	Мақсадли тушумларнинг товарлар билан келиб тушуши	2910	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси
12	Хизмат ҳақлари ва бажарилган ишлар қийматини мақсадли тушум сифатида олиниши	6010, 6910-6990	8810-8890	Шартнома, счёт-фактура, кирим далолатномаси

Аудиторлар мақсадли тушумларнинг ҳисоб ва ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш билан чекланмасликлари керак. Улар, шунингдек, мақсадли тушумлар бўйича НҲТларда тузилган ва тасдиқланган сметасининг қай даражада бажарилганлигига ҳамда унбу сметадан четланишлар сабабларини, чунончи салбий жиҳатдаги сабабларни олдини олиш бўйича НҲТ бошқарув органи томонидан қабул қилинган чора-тадбирларни, бу тадбирларнинг таъсир доираларини таҳлил қилишлари лозим. Бундай аудиторлик таҳлили натижаларини НҲТларнинг «Тушум ва сарфлар сметаси»да белгиланган мақсадли тушумлар турлари бўйича қуйидаги аудиторлик ишчи ҳужжати кўринишида расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз (8-жадвалга қаранг).

8-жадвал

Мақсадли тушумлар бўйича тасдиқланган сметани бажарилиш ҳолати

№	Мақсадли тушум тури	Смета бўйича	Ҳақиқатда	Сметадан четланиш	Сметани бажарилиш даражаси, %
1	Грантлар				
2	Субсидиялар				
3	Дотациялар				
4	Солиқ имтиёзлари				
5	Кириш ва аъзолик бадаллари				
6	Халқ хашаридан				
7	Хомийлар ва воситалардан тушумлар				
8	Гуманитар ёрдамлар				
9	Тадбиркорлик фаолиятидан тушумлар				
10	Бошқа тушумлар				
	Жами				

Мақсадли тушумлар бўйича тасдиқланган смета бажарилишининг аудиторлик таҳлили ва унинг натижаларини юқорида келтирилган аудиторлик ишчи ҳужжати кўринишида расмийлаштирилиши НҲТларда мақсадли тушумлар бўйича «Тушум ва сарфлар сметаси»ни қай даражада асосли равишда тузилганлигига баҳо бериш ҳамда келгусида уни тузишда объектив ва субъектив сабабларни эътиборга олиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

3.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларда мақсадли тушумлар сарфини аудит текширувидан ўтказишнинг услубий жиҳатлари

Мақсадли тушумлар аудитининг кейинги муҳим босқичи бўлиб улар сарфининг қонунийлиги ва НТТлар устав мақсадларига мувофиқлиги, қирим қилинган мақсадли тушумларнинг самарали ишлатилганлиги, уларни суистеъмол қилиш, талон-тарож қилиш каби салбий ҳолатларни мавжуд эмаслиги, мақсадли тушумлар сарфи бўйича тасдиқланган «Тушум ва сарфлар сметаси»нинг ижроси, ундаги четланишлар ҳамда четланишларга олиб келган сабаблар ва айбдорларни аниқлаш ҳисобланади.

Изланишлар НТТларнинг ҳар бирида келиб тушган мақсадли тушумларни турли мақсадларда ишлатилаётганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, Республика «Маҳалла» жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлимида 2011-2012 йилларда келиб тушган мақсадли тушумлар қуйидагича сарфланган (9-жадвал).

9-жадвал

«Маҳалла» жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бўйича 2011-2012 йилларда келиб тушган мақсадли тушумларнинг сарфи

№	Мақсадли тушумларнинг келиб тушиш манбалари	2011 йил		2012 йил		2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш	
		Млн. сўм	Хиссаси, %	Млн. сўм	Хиссаси, %	Млн. сўм	Хиссаси, %
1	Кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш	181.2	4.6	385.6	7.2	204.4	2.6
2	Улуғ ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватлаш	16.6	0.4	17.2	0.3	0.6	-0.1
3	Оғир касал ва шифохоналарда даволанаётган карияларга, оналар ва болаларга моддий ёрдам	5.4	0.1	120.7	2.2	115.3	2.1
4	"Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" ва интернатларни моддий қўллаб-қувватлаш	65.5	1.7	108.8	2.0	43.3	0.3
5	Аҳолини қорамол, говуқ ва бошқа қимлоқ хўжалиги молларини харидида қўллаб-қувватлаш	214.0	5.4	194.6	3.6	-19.4	-1.8
6	Турли танлов голибларини рағбатлантириш	50.0	1.3	66.6	1.2	16.6	-0.1
7	Спорт ва соғлаштириш тад-	30.5	0.8	14.0	0.3	-16.5	-0.5

	бирларини ўтказишга кўмаклашини ва улар фолибларини рағбатлантириш						
8	Маҳаллалар моддий техникасини яхшилаш, уларни ободонлаштиришни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш	712.0	18.1	841.5	15.7	129.5	-2.4
9	Фондини қуйи органларини мобилизациялаштириш	940	23.9	1146.3	21.3	206.3	-2.6
10	Фондининг республика бўлимига ажратмалар	413	10.5	275.0	5.1	-138.0	-5.4
11	Фонд бўлимини сақлаш, ривожлантириш ва жорий хўжалик фаолиятини мобилизациялаштириш	167.7	4.3	870.6	16.3	702.9	12.0
12	Иш билан бандлик ва бошқа ижтимоий дастур ва лойиҳаларни мобилизациялаштириш	1137.6	28.9	1335.1	24.8	197.5	-4.1
	Жами	**3933,5**	**100,0**	**5376,0**	**100,0**	**1609,2**	**X**

9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Маҳалла» жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлимига келиб тушган мақсадли тушумлар асосан давлатимизнинг ижтимоий дастурлари ва лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ қилишга сарфланган. Чунончи, мақсадли тушумларнинг 50-60 % бевосита аҳолини қўллаб-қувватлаш, айниқса кам таъминланган оилаларни, уруш ногиронлари ва қатнашчиларини, қариялар, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимояларига, улар соғлиғини тиклашда кўмакланишига сарфланган. Фонд ихтиёрига келиб тушган мақсадли тушумларнинг 30-35 % маҳаллаларни ободонлаштириш, улар моддий техника базасини яхшилаш, ўз-ўзини бошқарини органлари ва фондининг шаҳар ва туман бўлимлари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Фондининг 10-15 % миқдоридаги мақсадли тушумлари вилоят бўлимини сақлаш, моддий техника базасини яхшилаш, унинг ходимларини рағбатлантириш, шунингдек фондининг республика бошқаруви мақсадларида сарфланмоқда.

Самарқанд Кизил Ярим Ой ташкилотига 2013 йилда келиб тушган мақсадли тушумлар қуйидагича сарфланган (10-жадвал).

10-жадвал

Самарқанд Кизил Ярим Ой ташкилотида 2013 йилда келиб тушган мақсадли тушумларнинг сарфи

№	Харажатлар номи	Ҳақиқатдаги сарфлар, минг сўм
1	**Ижтимоий ва тиббий ёрдам**	**33 764,9**
	«Меҳр-шафқат» хайрия жамғармаси ишчи ходимларига иш ҳақи	12 190.2
	Дори-дармон харажатлари	1 462.3
	Кўрсатилган моддий ёрдам ва ҳомийликлар	19 051.5
	Транспорт харажатлари	60.9

2	**Фавқулотда ҳолатлар бўйича**	**68 361,3**
	Транспорт ва сафар харажатлари	221.3
	Ф.Х.бўйича жабрланган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш	63 471.4
	Ф.Х.бўйича ишчи ходимларнинг иш ҳақи	4 668.6
3	**Информацион ва коммунал харажатлар**	**15 158,3**
	Семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказишни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар	2 419.1
	Реклама билан боғлиқ харажатлар	10 615.8
	Мутахасислар иш ҳақи харажатлари	2 123.4
4	**Ёш оилалар билан ишлаш**	
	Мутахасислар иш ҳақи харажатлари	1 043.7
	Аттестация	1 060
	Рағбатлантириш (совғалар, мақтов ёрлиқлар)	30 186.3
5	**А.В ва ПХП сотиб олиш ва таъмирлаш**	**8 437,7**
6	**Маъмурий харажатлар**	**49 210,4**
	Иш ҳақи харажатлари	44 251.1
	Маъмурий ва коммунал харажатлар	4 959.3
7	**Юқори ташкилотга 13 % лик ажратма**	**36 509,9**
8	**Бошқа харажатлар**	**18 042,0**
	ЁММ ва хўжалик товарлари	4 959.3
	Коммунал тўловлар	874.7
	Банк хизмати	1 686.2
	Хўжалик ишчи ходимларининг иш ҳақи	10 521.7
11	**Дастурни амалга ошириш фаолияти бўйича**	**794,2**
12	**З А Ҳ И Р А**	**9 886,6**
	Ҳ А М М А С И	**271 455,3**

10- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарканд Кизил Ярим Ой ташкилотига келиб тушган мақсадли тушумлар сарфида фавқулотдаги ходисаларда аҳолига кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, кам таъминланган аҳолига ижтимоий ва тиббий ёрдам, аҳоли ўртасида согликни сақлаш ва тиббий ёрдам борасида ўтказиладиган семинарлар ва бошқа ахборот хизматларга қилинган харажатлар асосий ўрин тутади.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, аудиторлик ташкилотлари амалиётида НПТларга келиб тушган мақсадли тушумлар сарфи турли услубий тартибда ўтказилмоқда, текшириш натижаларини ифодаловчи аудиторлик ишчи ҳужжатлари эса турли шакл ва мазмунларда тузилмоқда. Буларнинг барчаси НПТларда мақсадли тушумлар сарфи аудитининг яхлит методологик тартибини яратишни ўта зарурлигидан дарак беради.

Бизнингча, мақсадли тушумлар сарфи аудитини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш кўпроқ самара беради (7-расм).



7-расм. ННТларда мақсадли тушумлар сарфи аудитининг кетма-кетлиги

Бизнингча, мақсадли тушумлар сарфини ифодаловчи аудиторлик ишчи ҳужжатларини уларнинг ҳар бир тури (грантлар, субсидиялар, дотациялар, аъзолик ва кириш бадаллари, солиқ имтиёзлари, хайрия, ҳомийлик, гуманитар ёрдам ва бошқалар) бўйича қуйидаги яхлит шаклда тузиш кўпроқ самара беради (11-жадвал).

11-жадвал

Мақсадли тушумлар сарфи реестри
(мақсадли тушумлари турлари бўйича)

№	Ҳужжат		Кимга берилди	Нима билан берилди	Сумма	Берилган ёзув	
	№	Сана				Дебет	Кредит
Жами сумма					Σ		

Аудиторлар ушбу аудиторлик ишчи ҳужжатига киритилган ҳар бир сарфининг қонуний асосга эга эканлиги, бу сарфининг ННТнинг устав мақсадларига мувофиқлиги, талон-тарож ёки суистеъмол қилишга олиб келинмаганлиги нуқтаи назаридан обдон таҳлил қилишлари лозим. Реестрнинг жами суммаси ННТ томонидан келиб тушган мақсадли тушумларнинг жами сарфланган суммасини ифодалайди. Бу суммани ННТнинг ҳисоботида кўрсатилган жами сарфланган мақсадли тушумлар суммаси билан таққослаш уни ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш имконини беради.

Аудиторларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ННТларда мақсадли активлар сарфи бўйича бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлигини аниқлаш, ушбу ёзувлар суммаларини Бош китобида ойма-ой тўғри акс эттирилганлигига тўлиқ иқрор бўлиш ҳисобланади. Бунинг учун, улар, авваламбор, мақсадли тушумлар сарфини қайси счётда акс эттирилганлигини аниқлашлари лозим.

ННТларда мақсадли тушумлар сарфи ҳисобини қуйидаги иккита усулнинг бир бўйича юритиш мумкин:

(1)бевосита усул;

(2)билвосита усул.

Бевосита усулда мақсадли тушумларнинг барча сарфлари тўғридан-тўғри 8800 «Мақсадли тушумлар» счётининг дебетида акс эттирилади, бунда сарфланган мақсадли активларнинг аниқ турини акс эттирувчи счётлар кредитланади.

Билвосита усулда мақсадли тушумларнинг барча сарфлари, дастлаб, 9400 «Давр харажатлари» счётининг дебетида акс эттирилади, бунда сарфланган мақсадли активларнинг аниқ турини акс эттирувчи счётлар кредитланади. Ҳисобот даври охирида 9400 «Давр харажатлари» счётининг дебитида тўпланган жами сумма 8800 «Мақсадли тушумлар» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Мақсадли тушумлар сарфини Бош китобда юқоридаги усулларнинг бири бўйича тўғри акс эттирилганлига иқрор бўлиш учун аудиторлар томонидан қуйидаги аудиторлик ишчи ҳужжатини тузишнинг фойдадан холи бўлмайди (12-жадвалга қаранг).

12-жадвал

Келиб тушган мақсадли активлар сарфининг турлари бўйича Бош китобда 8800 «Мақсадли тушумлар» ёки 9400 Давр харажатлари» счётининг дебетида акс эттирилиш ҳолати

№	Сарфланган актив тури	Кредит счётлар	Ойлар												
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Жами
1	Пул маблағлари	5010													
		5110													
		5530													
		5210													
2	Асосий воситалар	9210													
3	Номоддий активлар	9220													
4	Жиҳозлар	9220													
5	Капитал қурилиш объектлари	9220													
6	Материаллар	9220													
7	Бокувдаги моллар	9220													

8	Товарлар	9220													∑
9	Иш ҳақи харажатлари	6710													∑
10	ЯИТга ажратма	6520													∑
11	Турли хизматлар	6010, 6900-6990													∑
	Жами		∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑	∑

Ушбу аудиторлик ишчи ҳужжатининг ҳар бир қаторида акс эттирилган сумма НҲТда ойма-ой сарф қилинган мақсадли активларнинг алоҳида тури суммасини, охирги устундаги сумма эса ҳисобот йилида сарф қилинган жами шу турдаги мақсадли актив суммасини ифодалайди. Аудиторлик ишчи ҳужжатининг ҳар ой учун очилган устунчада кўрсатилган суммалари шу ҳисобот ойида сарф қилинган мақсадли активларнинг алоҳида тури ҳамда барча мақсадли активларнинг жами сарфи суммасини ифодалайди. Тузилган аудиторлик ишчи ҳужжатдаги суммаларни НҲТнинг Бош китобида ойма-ой кўрсатилган суммалар билан таққослаш мақсадли активлар сарфини Бош китобда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш имконини беради.

Аудиторлар мақсадли тушумлар сарфи бўйича НҲТларда тузилган ва тасдиқланган сметанинг қай даражада бажарилганлигига ҳам баҳо беришлари, чунончи ушбу сметадан четланишларни ва уларнинг сабабларини ҳам аниқлашлари лозим. Айниқса, салбий четланишлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш ва уларга тўғри баҳо бериш ўта муҳим. Бундай аудиторлик баҳосини бериш учун аудиторлик таҳлили натижаларини НҲТларнинг «Тушум ва сарфлар сметаси»да белгиланган мақсадли тушумлар сарфи бўйича қуйидаги аудиторлик ишчи ҳужжати кўринишида расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз (13-жадвалга қаранг).

13-жадвал

Мақсадли тушумлар сарфи бўйича тасдиқланган сметани бажарилиши ҳолати

№	Мақсадли тушум сарфи модаси	Смета бўйича	Ҳақиқатда	Сметадан четланиш	Сметани бажарилиш даражаси, %
1	2	3	4	5	6
2					
.					
.					
	Жами				

Мақсадли тушумлар сарфи бўйича тасдиқланган смета бажарилишининг аудиторлик таҳлили ва унинг натижаларини юқорида келтирилган аудиторлик ишчи ҳужжати кўринишида расмийлаштирилиши НҲТларда мақсадли тушумлар сарфи бўйича «Тушум ва сарфлар сметаси»ни қай даражада асосли

равишда тузилганлигига баҳо бериш ҳамда келгусида уни тузишда объектив ва субъектив сабабларни эътиборга олиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишга ҳам имкон беради.

3.4. Нодавлат нотижорат ташкилотларда солиқлар ва тўловлар аудити

ННТлар устав фаолиятига доир активларни ишлатилиши ва ўзга шахсларга берилиши тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди. Шунинг билан бирга ННТлар ўзларининг бўш пул маблағларини банклардаги депозит счётларга ёки кредит ташкилотларига вақтинча қўйиш асосида фоиз кўринишидаги қўшимча даромадларга, бўш турган асосий воситаларини жорий ижарага бериш орқали ижара тўлови кўринишидаги даромадларга эга бўлишлари мумкин. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра ННТларнинг ушбу турдаги даромадлари ҳам солиққа тортилмайди ва уларнинг устав фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади.

Ходимлар даромадларидан ундириладиган даромад солиғи аудити. ННТлар ўзларининг ходимлари оладиган меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа турдаги даромадларга солинадиган солиқлар, тўловлар ва ажратмаларни бюджетга ўтказиб берувчи агентлар ҳисобланади. Ушбу солиқлар ва тўловларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш ва ўз вақтида бюджетга ўтказиб бериш мажбурияти ННТлар зиммасига юклатилган.

Ходимлар бўйича даромад солиғини тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги, биринчи навбатда, уларнинг солиққа тортилмайдиган ва солиққа тортиладиган даромадларини тўғри топилганлигига, иккинчи навбатда эса, тегишли ставкаларда солиққа тортиладиган даромадларини тўғри гуруҳланганлигига ҳамда ушбу гуруҳлар бўйича даромад суммаларини тўғри топилганлигига боғлиқ. Айнан ушбу талабдан келиб чиқиб, аудиторлар, дастлаб, ходимларга ҳисобланган барча даромад турларининг қонунийлиги ва ҳужжатли асосга эга эканлигини текширишлари лозим.

Республикамизнинг Солиқ кодексига кўра ходимларнинг солиққа тортиладиган даромадларининг алоҳида турлари турли ставкаларда солиққа тортилади. Чунончи, уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари давлат томонидан белгиланган дифференцияланган ставкалар шкаласига кўра, ўриндошлик асосида ишловчи ходимлар даромадлари уларнинг аризасига кўра шкалада белгиланган максимал ставкада, ижара ҳаки кўринишидаги даромадлари солиқ ставкалари шкаласида белгиланган энг кичик ставкада, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлари 10%лик ставкада солиққа тортилади. Аудиторлар текширувларни текширилаётган йил учун белгиланган ставкалар асосида амалга оширишлари лозим.

Аудиторлар давлат томонидан белгиланган ставкалар асосида ушланиши лозим бўлган йиллик даромад солиғи суммасини ҳар бир ходим бўйича ҳисоб-китоб қилиб чиқишлари ҳамда субъект бўйича бюджетга тўланиши лозим

бўлган жами даромад солиғи суммасини аниқлашлари керак. Шундан сўнг, аудиторлар ходимлар даромад солиғи бўйича ўзлари ҳисоб-китоб қилган суммаларни субъект бухгалтериясида ходимлардан ҳақиқатда ушланган даромад солиғининг йиллик суммалари билан таққослашлари лозим. Бундай таққослаш аудиторларга ходимлар кесимида ва жами субъект бўйича даромад солиғини тўғри амалга оширилганлиги ёки уни кўп ёки кам ушланганлигини аниқлаша имкон беради. Ушбу аудиторлик муолажалари натижаларини қуйидаги ишчи ҳужжат шаклида расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир (14-жадвалга қаранг).

14-жадвал

Ходимлар бўйича даромад солиғи реаллигини текшириш натижалари

№	Ходимнинг Ф.И.Ш	Лавозими	Ушланган даромад солиғи		Четланиш
			ЖШТ ҳисоби бўйича	Аудит текшируви бўйича	
1					
2					
3					
...					
	Жами				

Ходимлардан ушдириладиган даромад солиғи бўйича аудиторлик текширувларида ушбу солиқни тўғри ушланганлиги ёки унинг кўп ёки кам қилиб ушланганлиги аниқланиши мумкин.

ЖШТда ходимлардан даромад солиғини тўғри ушланганлиги унда ушбу солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тўғри олиб борилганлигидан, ҳисобланган даромад солиғининг қонунийлиги ва тўлиқ ҳужжатли асосга эга эканлигидан дарак беради. Ушбу ҳолат аудиторларга ЖШТда ходимлардан ушланадиган даромад солиғи бўйича ижобий хулоса қилишга асос бўлади.

ЖШТда ходимлардан даромад солиғини ортиқча, яъни кўп қилиб ушланганлиги салбий ҳолат ҳисобланади,чунки бунда ходимлардан қўшимча ушланган даромад солиғи тегишли ҳужжатли асосга эга бўлмайди, демак, у қонуний ҳисобланмайди. Ходимлар даромадларидан ортиқча ушлаб қолинган солиқлар уларга қайтарилиши лозим. Бунинг учун аудиторлик тавсиялари асосида қуйидаги тузатиш муолажалари амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

*ходимлардан ортиқча ушлаб қолинган даромад солиғи суммасига Дебет 6410 Кредит 6710 ёзуви берилиши керак;

*ДСИга "Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР" номли ҳисобот шакли қайта топширилиши лозим.

ЖШТда ходимлардан даромад солиғини кам қилиб ушланганлиги ҳам салбий ҳолат ҳисобланади,чунки бунда давлат манфаатлари паймол қилинган ҳисобланади. Ходимлардан кам қилиб ушланган даромад солиғи улардан ушлаб

қолишини лозим. Бунинг учун аудиторлик тавсиялари асосида қуйидаги тузатиш муолажалари амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

*ходимлардан кам ушланган даромад солиги суммасига Дебет 6710 Кредит 6410 ёзуви берилиши керак;

*ДСИга "Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР" номли ҳисобот шакли қайта топширилиши лозим.

Ушбу тузатиш муолажаларини амалга оширилиши аудиторларга ННТлар молиявий ҳисоботи бўйича ижобий хулоса беришларига, уларни амалга оширилмаслиги эса молиявий ҳисобот бўйича салбий хулоса беришларига асос бўлади.

Ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ундириладиган суғурта бадали аудити. НННлар ўзларининг ходимлари оладиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан суғурта бадалини давлат томонидан белгиланган ставкаларда ушлаб қолишлар ва уни Пенсия жамғармасига ўтказиб беришлари лозим. Ушбу суғурта бадали ҳам солиқ тўловларига тенглаштирилади.

Ходимлар бўйича мажбурий суғурта бадали суммасини тўғри ушланганлигига иқрор бўлишнинг асосий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*ходимларнинг мажбурий суғурта бадали ушланадиган базанинг тўғри аниқланганлиги;

*мажбурий суғурта бадали бўйича белгиланган ставканинг тўғри қўлланилганлиги;

*ходимлар даромадларидан мажбурий суғурта бадали суммасининг арифметик тўғри ҳисобланганлиги;

*ДСИга *топшириладиган "Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг* бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҲИСОБ-КИТОБИ"нинг тўғри тузилганлиги;

* ходимлардан ушланган мажбурий суғурта бадали суммасига бухгалтерия ёзувларининг тўғри берилганлиги ҳамда улар суммаларининг бош китоб ва счётлар бўйича айланма қайдномада тўғри кўрсатилганлиги.

Айнан юқоридаги шартлардан келиб чиқиб, аудиторлар ходимлар даромадларидан ушланадиган мажбурий суғурта бадали суммасининг реаллигини босқичма-босқич текширишлари ҳамда текшириш натижаларини тегишли аудиторлик иш ҳужжатлари кўринишида расмийлаштиришлари лозим.

Ходимлар даромадидан ундириладиган мажбурий суғурта бадали бўйича ҳам аудиторлар асосан қуйидаги учта ҳолатни аниқлашлари мумкин.

1-ҳолат – бу НННда ходимлар даромадларидан ушланиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадалида четланишлар мавжуд эмаслиги. Бу ҳолат НННда ходимлар билан улар даромадларидан ушланадиган мажбурий суғурта бадали бўйича ҳисоб-китобларни тўғри олиб борилганлигидан, ҳисобланган мажбурий суғурта бадалининг қонунийлиги ва тўлиқ ҳужжатли асосга эга эканлигидан

дарак беради. Ушбу ҳолат аудиторларга НПТда ходимлардан ушланадиган мажбурий суғурта бадали бўйича ижобий хулоса қилишга асос бўлади.

2-ҳолат- бу НПТда ходимлар даромадларидан ушланиши лозим бўлган мажбурий суғурта бадалининг ортиқча, яъни кўп қилиб ушланганлиги. Бу ҳолат салбий ҳисобланади.чунки бунда ходимлардан қўшимча ушланган мажбурий суғурта бадали тегишли ҳужжатли асосга эга бўлмайди, демак, у қонуний ҳисобланмайди. Ходимлардан асоссиз қўшимча ушланган мажбурий суғурта бадали нафақат ходимнинг манфаатдорлик ҳуқуқини паймол қилинишига, балки давлатнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини поқонуний тушум билан сунъий тўлдирилишига олиб келади. Ходимлар даромадларидан ортиқча ушлаб қолинган мажбурий суғурта бадаллари уларга қайтарилиши лозим. Бунинг учун аудиторлик тавсиялари асосида қуйидаги тузатиш муолажалари амалга оширилиши мақсадга мувофик:

***биринчидан,** ходимлардан ортиқча ушлаб қолинган мажбурий суғурта бадали суммасига Дебет 6510 Кредит 6710 ёзуви берилиши керак:

***иккинчидан,** ДСИга "Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР" номли ҳисобот шакли қайта тошширилиши лозим.

Ушбу тузатиш муолажаларини амалга оширилиши аудиторларга НПТ молиявий ҳисоботи бўйича ижобий хулоса беришларига асос бўлади. Ходимлар даромадларидан ортиқча ушлаб қолинган солиқ бўйича ҳисоботга тузатишлар киритилмаслиги аудиторларга молиявий ҳисобот бўйича салбий хулоса қилишларига асос бўлади.

3-ҳолат- бу ходимлардан мажбурий суғурта бадалини асоссиз кам қилиб ушланганлиги. Бу ҳолат ҳам салбий ҳисобланади.чунки бунда давлат манфаатлари паймол қилинган ҳисобланади. Ходимлардан кам қилиб ушланган мажбурий суғурта бадали улардан ушлаб қолинишни лозим.Бунинг учун аудиторлик тавсиялари асосида қуйидаги тузатиш муолажалари амалга оширилиши мақсадга мувофик:

***биринчидан,** ходимлардан кам ушланган мажбурий суғурта бадали суммасига Дебет 6710 Кредит 6510 ёзуви берилиши керак:

***иккинчидан,** ДСИга "Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҲИСОБ-КИТОБИ" номли ҳисобот шакли қайта тошширилиши лозим.

Ушбу тузатиш муолажаларини амалга оширилиши аудиторларга НПТ молиявий ҳисоботи бўйича ижобий хулоса беришларига асос бўлади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоби (ШЖБПҲ)га мажбурий бадаллар. НПТларда ШЖБПҲга мажбурий бадални тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини текширишни ходимлар даромадлари ҳамда даромад солиғи кўрсаткичларини текшириш билан параллел тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки ходимлардан ушланадиган даромад солиғи базаси бевосита ШЖБПҲга мажбурий бадални ҳам ҳисоб-китоб қилишга асос бўлади. Ушбу хусусиятдан келиб чикиб, даромад солиғини текширишда тузиладиган

аудиторлик иш ҳужжатларидан ШЖБПҲга мажбурий бадални текширишда бевосита қўллаш лозим. Чунончи, даромад солиғи бағаси реаллигини ифодаловчи аудиторлик иш ҳужжатини қуйидаги кенгайтирилган шаклда тузиш мақсадга мувофиқдир (15-жадвалга қаранг).

15-жадвал

_____ _____йилдаШЖБПҲга мажбурий бадал суммаси ҳисоб-китобини текшириш натижалари

№	Ходимнинг Ф.И.Ш	Лавозими	Жами даромад	Шундан		1 %лик ШЖБПҲга бадал		
				солиққа тортилмайдиган даромад	Солиққа тортиладиган даромад	Корхона маълумоти бўйича	Аудит текшируви бўйича	Четланиши
1								
2								
3								
..								
	Жами							

Юқоридаги аудиторлик иш ҳужжатида келтирилган маълумотлар аудиторларга ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммасини ДСИга тошириладиган "Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР" номли ҳисобот шаклида, шунингдек Бош китобда тўғри акс эттирилганлигини аниқлашларига асос бўлади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган исботу-далиллар аудиторларга ННТда ШЖБПҲга мажбурий бадал бўйича асосан қуйидаги учта ҳолатни аниқлашлари мумкин.

1-ҳолат – бу ННТда ШЖБПҲга мажбурий бадал бўйича четланишлар мавжуд эмаслиги. Бу ҳолат ННТда ШЖБПҲга мажбурий бадал бўйича ҳисоб-китобларни тўғри олиб борилганлигидан, ҳисобланган мажбурий бадалнинг қонунийлиги ва тўлиқ ҳужжатли асосга эга эканлигидан дарак беради.

2-ҳолат- бу ННТда ШЖБПҲга мажбурий бадални ортиқча, яъни кўп қилиб ҳисобланганлиги. Бу ҳолат, умуман олганда, салбий ҳисобланади,чунки бунда бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад солиғи сунъий камайтирилган ҳисобланади, демак у қонуний ҳисобланмайди. Ходимлар ШЖБПҲга мажбурий бадал бўйича ортиқча ҳисобланган сумма камайтиришга олиб борилиши, кам ҳисобланган мажбурий бадал эса қўшимча ҳисобланиши керак. Бунинг учун аудиторлик тавсиялари асосида қуйидаги тузатиш муолажалари амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

***биринчидан,** Халқ банкига тузатилган "Ходимлар ИЖБҲҳга мажбурий бадал реестри", шунингдек ДСИга тузатилган "Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР" номли ҳисобот шакли ва бухгалтерия балансі қайта тошширилиши лозим.

***иккинчидан,** тузатилган реестр асосида ИЖБҲҳга мажбурий бадал бўйича ортиқча ҳисобланган суммаиинг камайтирилишига Дебет 6990 Кредит 6410 ёзуви, унинг қўшимча ҳисобланишига эса Дебет 6410 Кредит 6990 ёзуви берилиши керак.

Ушбу тузатиш муолажаларини амалга оширилиши аудиторларга молиявий ҳисобот бўйича ижобий хулоса беришларига, тузатиш муолажаларини амалга оширилмаслиги эса молиявий ҳисобот бўйича салбий хулоса беришларига асос бўлади.

Фикримизча, НТларда солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмаларни юқорида келтирилган услубий тартибларда текшириш, уларни тегишли аудиторлик ип ҳужжатлари билан расмийлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш уларда ҳисоб ва ҳисоботни реаллигини таъминлашга хизмат қилади.

3.5. Нодавлат нотижорат ташкилотлар мулкий ҳолатининг аудити

НТларнинг мулки, олдинги бобларда эътироф этилганидек, узоқ муддатли ва киска муддатли активлардан, ташкил топиш манбаларига кўра эса ўз маблағлари ва мажбуриятлардан ташкил топади.

НТларнинг узоқ муддатли активларига қуйидагилар киради:

- асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- молиявий инвестициялар;
- ўрнатилмаган жиҳозлар;
- капитал инвестициялар;
- узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва кечиктирилган харажатлар.

Аудиторлик текширувларида узоқ муддатли активларнинг ушбу турларининг ҳолати ва ҳаракати ҳужжатли асосда текшириб чиқилади. Текширув натижасида уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллиги тасдиқланади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича улар эскиришини тўғри ҳисобланганлиги, яроқлилик ва эскириш даражаларига баҳо берилади.

Молиявий инвестициялар бўйича уларнинг самара бераётганлиги ёки самарасизлиги аниқланади.

Тугалланмаган капитал инвестициялар ва уларнинг капиталлашган суммалари, қолдиғи гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида текширилади.

НТларнинг ТМБларига қуйидагилар киради:

- хом ашё ва материаллар;

• товарлар.

Аудиторлик текширувларида ТМБларнинг ушбу турларининг ҳолати ва ҳаракати ҳужжатли асосда текшириб чиқилади. Текширув натижасида уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллиги тасдиқланади. ТМБлар бўйича уларнинг яроқлилиги, сифатли сақланиши, ҳисобдан чиқарилишнинг меъёрдан паст ёки юқори эканлиги, ўғирлик ҳолатларига баҳо берилади. ТМБ ҳаққоний ҳолатини билиш учун уларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллигига баҳо берилади, мавжуд камчиликлар очиб берилади ва уларни тузатишга оид тавсиялар ишлаб чиқилади.

ННТларда гуманитар ёрдам ёки мақсадли тушум сифатида келиб тушган товарлар кирими ва чиқими ҳисобини тўғри юритилиши ўта муҳимдир. Бу, айниқса, гуманитар ёрдам сифатида келиб тушган дори-дармон воситаларига, моддий ёрдам сифатида тарқатиладиган чорва моллари, турли кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, маданий-маиший товарлар, шунингдек маҳаллаларга бепул тарқатиладиган мебель, компьютерлар, транспорт воситалари ва бошқаларга тегишлидир. ННТларга мақсадли ишлатиш учун келиб тушган ушбу товар-моддий бойликлар уларда 2900 «Товарлар» счётида ҳисобга олиниши лозим. Товарларнинг келиб тушиши ушбу счётнинг дебетида, сарфланиши эса унинг кредитида акс эттирилиши керак. Аудиторлик текширувларида товарларнинг кирими ва чиқими, ҳисобдан чиқарилишининг реаллиги ва қонунийлиги уларга гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги билан тасдиқланади. Бундай ҳужжатлар бўлиб, ННТда моддий ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш тўғрисида тегишли қарорлар, товарларни тегишли шахсларга ҳақиқатда берилганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар (счёт-фактуралар, накладнойлар, далолатномалар ва бошқалар) ҳисобланади. Аудиторлар тузилган ҳужжатларнинг соҳта ёки қалбаки эмаслигига шахсан икрор бўлишлари лозим. Бунинг учун тарқатилган товарларни ҳақиқатда олинганлигини анкета ёки оғзаки сўровнома асосида текшириб кўриш фойдадан холи бўлмайди.

ННТларнинг пул маблағларига қуйидагилар киради:

- кассадаги пул маблағлари;
- банкдаги ҳисоб-китоб, валюта ва махсус счетдаги пул маблағлари;
- йўлдаги пул маблағлари.

Пул маблағлари аудитининг бир қатор хусусиятлари мавжуд. Чунончи:

*улар танлаб текширилмайди, балки ёппасига текширилиши лозим;

*аудит текширувида валюта маблағлари ҳам хорижий валютада, ҳам миллий валютада тўғри ҳисобга олинганлиги текширилади;

*нақд пул маблағлари чиқими уларнинг ишлатилиш мақсадларига мувофиқлиги бўйича текширилади:

*касса ҳужалиги ва касса операцияларини белгиланган Қоидаларга мувофиқлигига баҳо берилади;

*нақдсиз пул операциялари бўйича уларга доир Низомга амал қилинганликка баҳо берилади;

*валюта маблағлари бўйича курс фарқлари аниқланади;

*Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини банк кўчирмаларига мос келиши ёки келмаслигига иқрор бўлиш зарурат ҳисобланади;

*кассадаги пул маблағлари инвентаризация қилинади;

*моддий жавобгарлик тўғрисида шартномаларнинг мавжудлиги ва уларга амал қилинаётганлигига баҳо берилади;

*пул маблағлари бўйича айниқса камомадлар, ўғирлик ҳолатлари, катта миқдордаги чиқимлар обдон текширилади;

Пул маблағлари уларнинг турлари ва турган жойлари бўйича аудиторлик ҳисоботида батафсил ёритилиши лозим.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ШТларда уларнинг нақдсиз ҳисоб-китоблар асосида бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан молиявий муносабатларида вужудга келади. Улар қарзлар, мос равишда, балансда активлар ва активларни ташкил топиш манбалари сифатида акс эттирилади. Аудиторларнинг асосий вазифаси дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини аниқлаш ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг муддатидан ўтганлиги ёки муддати ўтмаганлигини, корхонада улар қарзларни асоссиз кўпайиб кетишига йўл қўймаслик бўйича амалга оширилаётган тадбирларга баҳо берилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни текшириш активларни сотиб олиш, мажбуриятларни ҳисоблаш ва тўловларни ўтказиб беришга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бундай текширувлар ҳар бир дебитор ва кредитор бўйича ёппасига ёки танлаб ўтказилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Расмий материаллар

Ўзбекистон Республикаси Конунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Жамоат фондлари тўғрисида». 29.08.2003 й.,527-II

3.Ўзбекистон Республикаси қонуни. « Хомийлик тўғрисида», 02.05.2007 й., ЎРҚ-96

4.Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида», 14.04.1999 й., 758-I

5. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», 14.04.1999 й., 763-I

6. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида», 03.01.2007 й., ЎРҚ-76

7. Ўзбекистон Республикаси қонуни. "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида",15.02.1991 й., 223-XII-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 26.05.2000 й., 78-II

9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Ташкент, 2008.

10.Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Конуни, 12.12.2008 й., ЎРҚ-189

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

11. «Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2.07.2008 йилдаги N ПҚ-907-сонли қарори.

12. "Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4.04.2007 йилдаги ПҚ-615 - сонли қарори.

13.«Аудиторлик ташкилотлари тугрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4.04.2007 йилдаги ПҚ-615 - сонли қарори билан тасдикланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари

14. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом. ЎзР ВМ 10.03.2014 й. 57-сон қарори билан тасдикланган

15. Подавлат иотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида Низом. ЎзР ВМ 15.01.2015 й. 5-сон карори билан тасдиқланган.

16. Подавлат иотижорат ташкилотларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом. ЎзР ВМ 10.03.2014 й. 57-сон карори билан тасдиқланган.

17.«Корхоналарда ички аудиторлик хизмати тўғрисида»ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябр 215-сонли карори билан тасдиқланган.

Президент Ислом Каримов асарлари ва сўзлаган нутқлари

18. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

19. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 53-б.

20.Каримов И.А. «2014 йил – юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи 2014 йил 18 январь.

21.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон,.

22.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон», 2009.

Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар.

23. Абдуллаев Р. А. Бухгалтерский учет и аудит. Т.: 2011.

24.Андреев В.Д. Практический аудит. М.: Экономика, 1995.

25.Арене А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 1995.

26.Барышников Н.П. Организация и методика проведение общего аудита. Москва - 1998.

27. Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 стр.

28. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.

29. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: «Молия», 2003.

30. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. –Самарканд. 2012.

31. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003.

32.Шеремет А.Д. Аудит. – М.: Финансы и статистика, 1996

Веб – сайтлар

www.cer.uz

www.review.uz

www.aicpa.org

W.W.W. ngo. uz

1-илова

ННТлар фаолияти аудиторлик текшируви режаси

Текширилаётган ташкилот	«Махалла» фонди
Аудит даври кишн-соатлар миқдори	240 соат/киши
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Баймуродов Химмат
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	*Баймуродов Х, Гайимов Д*
Режалаштирилган аудиторлик риски	5%
Режалаштирилган жиддийлик даражаси	10%

№	Режалаштирилган ишлар турлари	Ўтказиш даври, кунларда	Бажарувчи	Эслатма
1	ННТнинг молиявий хўжалик фаолияти ҳамда унинг асосий миқдор кўрсаткичлари билан танишиш, ички назорат тизимини баҳолаш. ННТ мулкий ва молиявий ҳолатига доир ахборотлар бўйича жиддийлик ва риск даражасини аниқлаш. ННТ молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви дастурини тузиш ва тасдиқлатиш	2	Баймуродов Х.В	
3	ННТ молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текширувини ўтказиш	15	Баймуродов Х.В	
3	ННТ молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви якунлари бўйича ҳисоботни тайёрлаш	2	Баймуродов Х.В Гайимов Д	
4	ННТ молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви корхона раҳбариятига тақдим этиш, муҳокама килиш ва тадбиқ этиш	1	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	
	Жами	**20**		

2- илова

ННТлар фаолияти аудиторлик текшируви дастури

Текириладиган ташкилот	«Маҳалла» фонди
Аудит даври кишн-соатлар миқдори	240 соат/кишн
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Баймуродов Химмат
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	Баймуродов Х, Гайимов Д
Режалаштирилган аудиторлик риски	5%
Режалаштирилган жиддийлик даражаси	10%

N	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври, кунларда	Бажарувчи	Аудиторнинг иш ҳужжатлари
1	ННТ таъсис ҳужжатлари, ҳисоб сиёсати ва ички назоратни тартибга солиб турувчи ҳужжатлар ҳамда уларга амал қилишнинг ҳолати	1	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	Таъсис ҳужжатлари, лицензиялар, ҳисоб сиёсати, ички назорат ёки ички аудит хизмати тўғрисида Низом ва бошқалар
2	Грантлар, субсидиялар, дотациялар, ҳайрия ва мақсадли тушумлар киримн бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги	2	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	Материал ҳисоботлари, кирим-чиқим ҳужжатлари, журнал-ордер ва Бош китоб
3	Грантлар, субсидиялар, дотациялар, ҳайрия ва мақсадли тушумлар сарфининг қонунийлиги, улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги	3	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	Материал ҳисоботлари, кирим-чиқим ҳужжатлари, журнал-ордер ва Бош китоб
4	Касса ва банк операцияларининг қонунийлиги ҳамда улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллиги	2	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	Касса ва банк ҳужжатлари, журнал-ордерлар ва Бош китоб
5	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг қонунийлиги ҳамда улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги	2	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	Шартномалар, кирим-чиқим ҳужжатлари, ишончномалар, далолатномалар, журнал-ордерлар ва бош китоб
7	ННТлар тижорат фаолиятидан олинган даромадлар ва якуний молиявий натижалар	1	Баймуродов Х.В, Гайимов Д	Ҳисоб-китоблар, журнал-ордерлар ва бош китоб

	қонунийлиги ҳамда улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги			
8	НҒТлар тижорат фаолиятидан олинган фойданинг ишлатилиши қонунийлиги ҳамда улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги	1		
9	Солиқ ва тўловлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги	1	Баймуродов Х.В. Гайимов Д.	Ҳисоб-китоблар, журнал-ордерлар ва бош китоб
10	НҒТлар мулкий ва молиявий ҳолати, улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги	1	Баймуродов Х.В. Гайимов Д.	Молиявий ҳисобот шакллари, уларга иловаалар
11	Иш юритиш ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, уларни архивлаштириш ҳолати	0.5	Баймуродов Х.В. Гайимов Д.	Буйруқлар, шартномалар, бухгалтерия ҳужжатлари
12	НҒТ фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг ҳолати	0.5	Баймуродов Х.В Гайимов Д.	Таҳлилий жадваллар
	Жами	**15**		

3-илова

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Булунғур туман бўлинмаси раиси в.б. А. Саримсоқовга

Нусхаси: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилоят бошқаруви раиси Ш.У.Жониқуловга

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Булунғур туман бўлинмасининг 2012 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш якунлари бўйича

ХИСОБОТ

I. КИРИШ

Булунғур т. 11 май 2013 йил.

Ташкилий ҳужжатлар аудити

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Булунғур туман бўлинмаси Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлари асосида ташкил қилинган бўлиб, унинг Устави 2003 йил 2 июль №12 билан Адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказилган. 2012 йил 30 март №44и-сон билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Фонд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятларини тартибга солишга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. халқаро ҳуқуқнинг қоидалари ҳамда ўз Устави асосида амалга оширган.

Фондининг тузилиши унинг васийлик Кенгаши. республика бошқаруви ҳамда ўз фаолиятларини ушбу Устав ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлимлари тўғрисидаги Низом асосида амалга оширадиган ҳудудий тузилмавий бўлинмаларидан иборат.

Фонд. унинг ҳудудий тузилмавий бўлим ва бўлимлари. шунингдек у томонидан таъсис этилган тадбиркорлик тузилмалари юридик шахс ҳисобланиб, ўз мулкига. мустақил баланси номига. банкларидаги жорий ва валюта ҳисоб рақамларига. белгиланган намунадаги мухрига эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш рамзидан фойдаланган.

Фонд ўз фаолиятида қонунийлик. ошкоралик. ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган.

Жамоат фонди ўз мақомига кўра. республиканинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинларининг ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш. улар фаолиятини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш. ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш. шунингдек унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтиришга кўмаклашиш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш. фуқароларнинг маърифий-маданий. ижтимоий-сиёсий фаолиятини амалга оширишга фуқаролар йиғинларига услубий раҳбарликни амалга оширган.

Фондниг мақсад ва вазифалари

Фондниг асосий мақсади фуқароларни йиғинларини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтиришга, маданий-маърифий ишлари кенг амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, улар фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашишга кўмаклашишдан иборат.

Фонд устав мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-фуқаролар йиғинларига маърифий ва маданий тадбирларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

-фуқаролар йиғинларига аҳоли орасида инсонпарварлик ва меҳр-оқибат асосида яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий, сиёсий-барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг тарғибот усулларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга кўмаклашиш;

-ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбияланишда фуқаролар йиғинларига услубий ёрдамлар кўрсатиш;

-давлат ҳокимияти органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши жараёнида ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу ваколатларнинг амалга оширилишида зарур услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Булунгур туман бўлинмасининг реквизитлари:

Фаолият коди - 98600.

СТИР - 200 730 574, тел.(8366) 442-22-77.

Манзили: Булунгур туман, Булунгур шоҳ кўчаси.

Хизмат кўрсатувчи банк: ДТ Халқ Банк Булунгур бўлими, код 00727.

Жорий ҳисоб рақами: 20212 000 8 00433732 001.

Пенсия ҳисоб рақами: 20212 000 0 00433732 888

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Булунгур туман бўлинмасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида ҳисоб рақамига эга эмас.

Юқоридагиларнинг барчаси_Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Булунгур туман бўлинмаси ўз устав ҳужжатларига тўлиқ амал қилган, деб хулоса қилишга имкон беради.

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

1-боб. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аудит субъектлари сифатидаги тавсифи ва иқтисодиётда тутган ўрни..... 5
1.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти асосий кўрсаткичлари ва уларнинг аудит объектлари сифатидаги хусусиятлари..... 11
1.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларида аудитнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва усуллари 14

2-боб. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

2.1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти аудитининг ташкилий таъминоти..... 21
2.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти аудитининг ахборот таъминоти 24

3-боб. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, устав ҳужжатлари ва уларга амал қилиш ҳолатининг аудити..... 27
3.2. Нодавлат нотижорат ташкилотларда мақсадли тушумлар киримига оид операцияларни аудит текширувидан ўтказишнинг услубий жиҳатлари..... 28
3.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларда мақсадли тушумлар сарфини аудит текширувидан ўтказишнинг услубий жиҳатлари..... 34
3.4. Нодавлат нотижорат ташкилотларда солиқлар ва тўловлар аудити. 40
3.5 Нодавлат нотижорат ташкилотлар мулкий ҳолатининг аудити..... 45

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 48
ИЛОВАЛАР..... 51

ҚАЙДЛАР УЧУН